БУГУН — ДОҲИЙМИЗ В. И. ЛЕНИН ТУҒИЛГАН КУНГА 118 ЙИЛ ТЎЛДИ

МАНГУ БАРҲАЁТ!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 80 (9316). • 1988 йил 22 апрель • жума • Баҳоси 3 тийин.

Маркс—Энгельс—Ленининг буюк революцион таълимоти абадий яшаб, ривожланаверсин!

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ 1988 ЙИЛ 1 МАЙ ЧАҚИРИҚЛАРИДАН

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг 1988 йил 15 апрелдаги Қарори

ФАН ВА ТЕХНИКА СОҲАСИДА 1988 ЙИЛГИ ЛЕНИН МУКОФОТЛАРИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети СССР Министрлар Совети ҳузуридаги фан ва техника соҳасида Ленин мукофоти ва СССР Давлат мукофоти комитетининг таклифини кўриб чиқиб, қарор қиладилар:

Қуйидагиларга фан ва техника соҳасида 1988 йилги Ленин мукофотлари берилсин:

1. Гурген Ашотович Аскарьянга, физика-математика фанлари кандидати, СССР Фанлар академияси умумий физика институтининг катта илмий ходими, Владимир Николаевич Луговойга, физика-математика фанлари доктори, етакчи илмий ходим, Владлен Васильевич Коробкинга, физика-математика фанлари кандидати, бўлим мудири, шу институтнинг ходимлари, Владимир Ильич Талановга, физика-математика фанлари доктори, СССР Фанлар академияси амалий физика институтининг бўлим мудири, Николай Федорович Пилипецкийга, физика-математика фанлари кандидати, СССР Фанлар академияси механика проблемалари институтининг лабораторияи мудири, Анатолий Петрович Сухоруковга, физика-математика фанлари доктори, М. В. Ломоносов номидаги Москва Давлат университети бўлимининг мудири, — тўлқинли тарамлар ўзини ўзи фокуслаш ҳодисаларини кашф этганликлари ва тадқиқ қилганликлари учун.

2. Александр Михайлович Балдинга, академик, бирлашган ядро тадқиқотлари институти лабораториясининг директори, Павел Николаевич Боголюбовга, физика-математика фанлари доктори, шу институт секторининг бошлиғи, Виктор Анатольевич Матвеевга, физика-математика фанлари доктори, СССР Фанлар академияси ядро тадқиқотлари институтининг директори, Альберт Никифорович Тавхелидзега, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Грузия ССР Фанлар академиясининг президенти, Рудольф Мурадович Мурадянга, Арманистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Арманистон ССР Фанлар академияси Бюрокан астрофизика обсерваторияси группасининг мудири, — 1965 — 1977 йилларда эълон қилинган «Янги квант-ранг сони ҳамда элементар зарралар кварк структурасида ва атом ядроларида динамик қонуниятларни белгилаш» туркум асарлари учун.

3. Владимир Александрович Тепляковга, техника фанлари доктори, юксак энергиялар физикаси институти директорининг ўринбосари, Илья Михайлович Капчинскийга, техника фанлари доктори, назарий ва экспериментал физика институти бўлимининг бошлиғи, — квадрупол юксак частота майдонли тарам фокусланадиган янги типдаги ионлар линияа тезлаткичини ишлаб чиққанликлари ва яратганликлари учун.

4. Николай Константинович Кочетковга, академик СССР Фанлар академияси Н. Д. Зелинский номидаги органик химия институтининг директори, — 1962 — 1986 йилларда эълон қилинган углеводлар синтези ва тузилишига доир туркум ишлари учун.

(Давоми 2-бетда).

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг 1988 йил 15 апрелдаги Қарори

Адабиёт, санъат ва архитектура соҳасида 1988 йилги Ленин мукофотларини бериш тўғрисида

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети СССР Министрлар Совети ҳузуридаги адабиёт, санъат ва архитектура соҳасида Ленин мукофоти ва СССР Давлат мукофоти комитетининг таклифини кўриб чиқиб, 1988 йилги Ленин мукофотларини қуйидагиларга беришга қарор қилдилар:

1. Тенгиз Евгеньевич Абдуладзега, СССР халқ артисти режиссёр, — «Грузия-фильм» киностудиясида суратга олинган «Илтижо», «Истак дарахти», «Тавба-тазарру» деган бадиий фильмлар трилогияси учун.

2. Станисловас Антонович Калинкага, архитектор, Зигмантас Станисловович Докшасга, совхоз директори,— Литва ССРдаги «КПСС XXV съезди» совхозининг Юкнайчяй посёлкаси архитектураси учун.

КПСС Марказий Комитетининг Секретари **М. ГОРБАЧЕВ**

СССР Министрлар Советининг Раиси **Н. РИЖКОВ**

В. И. Ленин 1919 йил 25 майда умумтаълим қўшинлари парадида

ТАСС фотохроникаси.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА КЕНГАШ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев 11, 14 ва 18 апрель кунлари иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари, ўлка ва область партия комитетларининг биринчи секретарлари билан кенгаш ўтказди.

Партия ташкилотларининг қайта қуришга раҳбарлик юзасидан фаолияти кўриб чиқилди. КПСС XIX Бутуниттифоқ конференциясига тайёргарликнинг бориши тўғрисида батафсил фикрлашув бўлди. Сиёсий системани такомиллаштириш зарурлиги билан боғлиқ таклифлар синчиклаб таҳлил этилди, сиёсий системани такомиллаштириш қайта қуриш вазифаларига тўлароқ жавоб бериши социализмга, ҳозирги босқичда унинг сифат жиҳатдан ўзгаришига активроқ хизмат қилиши керак .

Кенгаш қатнашчилари қайта қуриш жараёнларини чуқурлаштириш, туб иқтисодий ислоҳотни тўла ва изчил амалга ошириш учун собитқадамлик билан курашиш зарурлигини, халқ истеъмол товарлари, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, уй-жой қурилишини кенгайтиришдек биринчи галдаги вазифаларни ҳал этиш учун собитқадамлик билан кураш олиб бориш лозимлигини таъкидладилар.

Кенгашда сўзга чиққан барча кишилар қайта қуриш муваффақияти партиянинг жамият ҳаётини ҳар жиҳатдан демократиялаш, ошкораликни кенгайтириш, партия ички демократиясини ривожлантириш, халқ депутатлари Советларининг ролини ошириш, бу жараёнга меҳнаткашлар кенг оммасини жалб этишга қаратилган йўлини қатъият билан амалга ошириш билан ўзаро узвий боғлиқлигини тушунишда якдил фикр билдирдилар.

ЗАРБДОР МЕҲНАТ УЧУН

ЎРТА ЧИРЧИҚ районидаги «Ҳурмат Белгиси» орденли Й. Охунбобоев номли колхоз 1987 йилги Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг ғолибларидан бири деб эътироф этилди. Колхоз коллективи КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланди, хўжалик СССР халқ хўжалиги ютуқлари виставкасидалиги Бутуниттифоқ Ҳурмат тахтасига ёзилди.

20 апрель куни колхозда юксак мукофотни топширишга бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. Кўчма Қизил байроқни коллективга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов топширди.

Йиғилишда сўзга чиққан кишилар юксак мукофотга иш билан жавоб беришга, меҳнатда янада салмоқлироқ натижаларга эришишга интилаётганликларини билдирдилар.

Йиғилишда Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари Т. А. Алимов қатнашди.

(ЎзТАГ).

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

Тошкент область партия комитети бюроси салбий сабаблар бўйича ишдан бўшатилган кадрларни бошқа раҳбарлик ишларига қўйиш ҳоллари давом этаётганлиги фактларини кўриб чиқиб, шуни таъкидлайдики, областдаги барча партия комитетлари ҳам ўз хатти-ҳаракати билан раҳбарлик лавозимини эгаллашга маънавий ҳуқуқини йўқотган кишиларга нисбатан принципиал позицияни эгалламаяптилар, бу масала юзасидан область партия комитети илгари қабул қилган қарорлардан зарур хулосалар чиқариб олмаяптилар.

Салбий сабабларга биноан ишдан бўшатилган шаҳар, район партия комитетлари номенклатурасидаги ходимларнинг умуман область бўйича ҳар етти нафаридан бири, Оҳангарон, Ўрта Чирчиқ, Сергели районларида ҳар беш нафаридан бири, Собир Раҳимов районн ва Ангрен шаҳрида ҳар уч нафаридан бири жуда ҳам катта бўлмаса-да, барибир раҳбарлик лавозимига ишга ўтказилган.

Фақат Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва область партия комитети аралашувидан кейингина Оққўрғон, Бўка, Ғалаба, Калинин, Ўрта Чирчиқ, Чиноз районларида уларнинг маълум қисми раҳбарлик лавозимларидан туширилди.

Бу иш ҳали кўпгина район ва шаҳар партия комитетларида охиригача етказилгани йўқ. Ўзини обрўсизлантириб қўйган ходимлар ҳамон раҳбарлик лавозимларини эгаллаб келмоқдалар.

Ангрен шаҳар Совети ижроия комитети раисининг собиқ ўринбосарлари Э. Эшматов ва С. Аброров, Оҳангарон район молия бўлими мудири З. Бойжигитов ўзларини обрўсизлантириб қўйганликлари учун лавозимларидан бўшатилиб, партиявий жазо олган эдилар. Бироқ турли хил йўллар билан яна раҳбарлик лавозимига тайинландилар.

У креслодан бу креслога ўтказиб қўйилаётганлар орасида совет, хўжалик органлари раҳбарлари, шу жумладан, хизмат вазифасини шахсий манфаат йўлида суиистеъмол қилган, қўшиб ёзиш ва ўғирликка йўл қўйган раҳбарлар ҳам оз эмас. Масалан, қўшиб ёзиш билан шуғулланганликлари учун Чирчиқ автобустаксомотор парки собиқ директори Р. Х. Аҳмадеев, «Эталон» ишлаб чиқариш бирлашмаси собиқ директори Т. И. Шарафхўжаев КПСС сафидан чиқарилган, «Узбекхлопкомаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси собиқ бош директори С. П Тетушкин, Тошкент шаҳар ижроия комитетига қарашли 1-трест собиқ бошқарувчиси И. Л. Мельников, картон идишлар заводи собиқ директори Ш. Шоабдурасулов қаттиқ партиявий жазо олган эдилар. Лекин Куйбишев, Ленин районлари ва Чирчиқ шаҳар партия комитетларининг назоратсизлиги оқибатида улар яна раҳбарлик ишларига ўтиб олдилар.

Айрим шаҳар, район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари қўшиб ёзишлар, мансабни суиистеъмол қилишлар, молиявий интизомнинг бузилишига йўл қўйган коммунист раҳбарларга нисбатан талабчанлик ва принципиаллик кўрсатмаяптилар. Министрликлар ёки идоралар бундай коммунистларни маъмурий йўл билан жазолаб, масъулиятдан қутқариб қолаётганлиги ва бошқа раҳбарлик креслосига ўтказиб қўяётганлиги каби ҳоллар билан келишиб келмоқдалар. Шундай раҳбарлар орасида «Тошкент» ёғочни қайта ишлаш ишлаб чиқариш бирлашмаси собиқ директори В. Шахматов (Собир Раҳимов районн), резинотехника буюмлари заводи собиқ директори Д. Микиртичев (Сергели районн), «Главташкентстрой»га қарашли турар-жой коммунал хўжалик бошқармаси собиқ бошлиғи В. Лебедев (Фрунзе районн) ва бошқалар бор.

Бўка, Ғалаба, Оржоникидзе ва Чиноз районларида нотўғри хатти-ҳаракатлар қилган раҳбарларга нисбатан ўз вақтида партиявий баҳо берилмаяпти, улар меҳнат коллективларида муҳокама этилмаяпти ва масъулиятдан сақлаб қолинаяпти.

Шаҳар, район партия комитетлари салбий сабаблар билан ўз лавозимидан бўшатилган раҳбарлардан бундан буён фойдаланиш устидан назорат қилмаяптилар, уларнинг бошқа район ва шаҳарларда, шунингдек улар ташқарисида масъул лавозимларни эгаллашларига имкон бермоқдалар.

Масалан, Киров район Совети ижроия комитети раисининг собиқ ўринбосари В. Р. Абаков Тошкент районида ўрмон хўжалиги бўйича Ўрта Осиё илмий-тадқиқот институти директорининг ўринбосарлигига тайинланган. Махсус қурилиш-монтаж ишлари министрлигининг Ҳамза районидаги автобазаси директори Г. К. Шадских партиядан ўчирилган бўлса-да, Куйбишев районидаги 2519-автобаза директорининг ўринбосари бўлиб ишлаяпти. Ҳисоб карточкасига ёзиш шарти билан қаттиқ виговор эълон қилинган ва Фрунзе районидаги «Узэнерголегпром» корхонаси директори вазифасидан бўшатилган Д. Юсупов Янгийўл пойабзал фабрикаси директорининг ўринбосари лавозимини эгаллади.

Акмал Икромов, Бекобод, Калинин, Пискент районлари, Бекобод, Янгийўл шаҳарлари бошланғич партия ташкилотлари хизмат юзасидан, шунингдек, халқ контроли органлари томонидан жавобгарликка тортилган коммунист раҳбарларнинг номақбул хатти-ҳаракатларини эътибордан четда қолдирмоқдалар. Таъкидланганидек, ўзини обрўсизлантирган раҳбарларни у креслодан бу креслога ўтказиб қўйиш фактлари кадрлар билан ишлашда зарур системанинг йўқлиги, бу масалада қабул қилинган қарорларга нисбатан расмиятчилик билан муносабатда бўлинаётгани оқибатидир.

Партия комитетлари бюроларида кадрлар билан ишлаш бўйича тасдиқланган комплекс планлар қандай бажарилаётганлиги кўп жойларда назорат қилинмаяпти, бу масала устида жиддийроқ ишлаш керак.

Бир қатор партия комитетларида номенклатура ходимлар учун кадрлар резервини танлаганда анкета маълумотларига қараб иш тутилмоқда. Бунда бошланғич партия ташкилотлари ва меҳнат коллективларининг фикри ҳамиша ҳам инобатга олинмаяпти.

Область партия комитети бўлимлари бу масалани ўз назоратларидан четда қолдирмоқдалар. Кадрлар билан ишлашда партия комитетларига амалий ёрдам кўрсатишга кам эътибор берилпяти. Область партия комитети бюроси шаҳар, район партия комитетлари секретарлари эътиборини салбий сабаблар билан ишдан бўшатилган ходимларга нисбатан принципсизлик, либераллик, кўнгилчанлик қилинаётганлигига қаратди. Бу ҳол ўзини обрўсизлантирган шахсларни бир раҳбарлик креслосидан бошқасига ўтиб қолишига йўл очмоқда.

Шаҳар, район партия комитетларига бундай ҳолларнинг ҳар бирини принципиал тарзда муҳокама қилиш ва жойларда айбдорларнинг партиявий масъулиятини кўриб чиқиш, кадрлар корпусини тозалашга изчиллик билан эришиш топширилди.

Партия комитетларининг биринчи секретарлари ўзини обрўсизлантирган шахслардан олдинги хизматларидан қатъий назар фақат оддий ишда фойдаланиш юзасидан қўйилган талабнинг сўзсиз бажарилишида шахсан жавобгар эканликлари огоҳлантирилди.

Айб иш қилган ходимларнинг партиявий масъулиятини бошланғич партия ташкилоти, шунингдек меҳнат коллективидан тортиб, зарурат бўлса партия комитети пленумларида ҳам кўриб чиқиш мажбурий қилиб қўйилди.

Салбий сабабларга кўра лавозимидан бўшатилган раҳбар коммунист устидан назоратни кучайтириш, бундай шахсларнинг яна раҳбарлик лавозимига чиқиб олишига йўл қўймаслик учун район, шаҳар партия комитетларига ўша кадр нима учун ишдан бўшаганлиги ва қандай партиявий жазо берилганлигини тегишли партия комитетларига маълум қилиш топширилди. Келишилмаган ҳолда бошқа жойларга кетиб қолган ва ўзини масъулиятдан олиб қочган кишиларга нисбатан принципиал позицияда турмоқ керак.

Область партия комитети бўлимлари, шаҳар, район партия комитетларига кадрлар билан ишлаш бўйича комплекс планлар қандай бажарилаётганлигини чуқур таҳлил этиш топширилди. Мавжуд камчиликларни тугатиш юзасидан амалий чоралар кўриш зарур.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ» ГАЗЕТАСИНИНГ 1988 ЙИЛ 31 МАРТ СОНИДА БОСИЛГАН «ПОДАНИ КИМ БОҚАДИ?» МАҚОЛАСИ ҲАҚИДА

МАҚОЛАДА Бўстонлиқ районн халқ депутатлари маҳаллий Советлари, хўжаликлар раҳбарларининг колхозчилар, совхозларнинг ишчилари ва қишлоқ жойларда яшовчи гражданларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларидаги чорвачиликни ривожлантириш юзасидан олиб бораётган ташкилотчилик ишларидаги камчилик ва нуқсонлар ўз вақтида ва ҳаққоний кўрсатиб ўтилган.

Мақоладаги танқидий мулоҳазалар областдаги бошқа район, шаҳарларга ҳам тўла тааллуқлидир.

Область партия комитети шахсий ёрдамчи хўжаликлардаги чорвачиликни ривожлантириш ғоят муҳим аҳамиятга эга эканлиги ва бу иш озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришга катта ёрдам беришини ҳисобга олиб қарор қабул қилди.

Область агросаноат комитети, район ижроия комитетлари, район агросаноат бирлашмаларига гражданларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларини ривожлантириш, ҳар бир хонадонда қорамол, қўй, эчки, парранда боқилишида кўмаклашиш учун хўжалик раҳбарлари, халқ депутатлари қишлоқ, посёлка Советларига талабчанликни кучайтириш топширилди. Ёрдамчи хўжаликларда гўшт, сут, тухум ва бошқа чорвачилик маҳсулотларини етиштиришни кўпайтириш учун уларни ҳар жиҳатдан рағбатлантириш, бунда аҳолининг, шахсий ёрдамчи хўжаликларнинг жамоат ишлаб чиқариши билан шартнома асосларида кооперацияни ривожлантиришларига алоҳида аҳамият бериш керак. Ана шу мақсадлар учун колхозчилар, совхозларнинг ишчи-хизматчилари ва бошқа қишлоқ аҳолиси жамоат ишлаб чиқаришида қай даражада иштирок этаётганликларини ҳисобга олиб озуқа, яйлов жойлар ажратилиши зарур. Халқ депутатлари посёлка ва қишлоқ Советларига подани боқишни ташкил этиш, шу мақсадда кооператив асосларда подачилар ёллашда ҳар тарафлама ёрдам кўрсатиш топширилди.

Район, шаҳар партия комитетлари аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликларини ҳар жиҳатдан ривожлантиришни таъминлашда ташкилий ва сиёсий ишларни кучайтиришлари, бу соҳада колхоз ва совхозларнинг бошланғич партия ташкилотларига нисбатан талабчанликни оширишлари керак.

● МУАММО КЎНДАЛАНГ ҚЎЙИЛГАНДА

Подани ким боқади?

Гапдан гап чиқиб, шаҳарлик дўстларимиздан бири ҳавас билан деди:

— Қишлоқларда, тоғ олди жойларда яшовчиларга маза-да! Кўнгли тусаган нозу неъматлар ҳар доим муҳайё. Ҳаммасидан ҳам эрталабки иссиқ сут, мазали қаймоқни айтмайсизми! Бир пасда соғиб олади-ю, хохласа хомлай симиради, истаса пишириб ичади...

Бу гаплар менинг ёдимдаги кўп жумбоқларни жонлантириб юборди. Шу «бир пасда» муҳайё бўладиган роҳатга эришиш учун йил бўйи чекиладиган не-не машаққатлар кўз олдимдан бирма-бир ўтди. Одамларнинг сигир, қўй, эчки боқишлари, орзуманд оғайнимиз айтганидек, шунчалик осонмикан? Яхшиси, умумий гаплардан қочиб, икки қўшни қишлоқдаги аҳвол юзасидан мулоҳаза юритсак маъқул бўлар.

Эгалланган жойлари, ҳатто номлари уйқаш — Хондайлиқ ва Сойлиқ қишлоқлари Бўстонлиқ районининг кунгай қисмидаги тоғ этакларидан ўрин олган. Иккаласи ҳам қадимий, истиқомат қилувчи хонадонлар сони ҳам деярли тенг. Аммо уларнинг ҳаёт тарзида, хусусан шахсий чорвачилик соҳасида туб айирмалар кўрамиз. Хўш, улар, асосан нималардан иборат?

Чорва учун жуда қийин кечадиган қиш мавсуми тугашини ва подаларнинг далага ҳайдалишини барча орзиқиб кутади, албатта. Аммо Хондайлиқ қишлоғи аҳолиси бу мавсумга юрак ҳовучлаб келади. Подаларни далага ҳайдаш учун подахонага дастлабки кун ҳамма йиғилар экан, кўпчиликнинг кўнглида бир ташвиш кўндаланг туради: «Бу йил яна қанақа кўргиликларга дучор бўларкинмиз?!» Ҳар ким ўз дилини кемираётган ташвишларни баралла айтаверади: «Пода боқиш навбатига болакайларни чиқаришни бас қилайлик!», «Молларни эртадан кечгача тошлоқ жойларга қамаб келадиганлар навбатга қўшилмасин!», «Колхоз экинларига, қўшни — Сойлиқ қишлоғи боғ ва токзорларига подани киритиб юбориш оқибатида молларимиздан айрилаяпмиз, жарималар тўлаяпмиз, бу ҳол қачонгача давом этади?», «Қаровсизлик туфайли қанчадан-қанча молларимиз бўриларга ем бўлди...»

Одамларнинг дод-войларига далил тариқасида ўтган йили юз берган икки хунук воқеани ҳикоя қилиб ўтамиз. Бултур ёғингарчиликлар сероб бўлганлиги учун қалин ва баланд ўсган буғдойзорда беш-ўнта сигир оралаб юрарди. Улар бу билан ҳам нафсини тия олмай, ёнбағирнинг қуйи қисмидаги бедазорга ўзларини урдилар. Ҳайвон-ҳайвонда! Қоринлари тирсиллаб кетганига қарамай сигирлар кўм-кўк бедани иштаҳа билан еяверишди. Бир маҳал отини чоптириб, колхоз қоровули келиб қолди. У сигирларни қувалаб ҳайдаганча, мол қамоқхонаси томон жўнади. Сигирлардан бири қувроқ экан, пайт пойлаб туриб тор кўча орқали

(Давоми 3-бетда).

1870 1988

МАНГУ БАРҲАЁТ

МИЛЛИОНЛАР ТАЪЗИМИ

В. И. ЛЕНИН номли Марказий музейнинг Тошкентдаги филиали 1970 йилда очилган эди. Шу йиллар давомида унн тўққиз миллионга яқин киши келиб томоша қилди. Унинг йигирмата залида тўрт мингга яқин эскпонатлар мавжуд. Улар ҳужжат ва фотосуратлар, мўйқалам ва ҳайкалтарошлик асарлари, макет ва моделлар, революцнон ва меҳнат ёдгорликлари бўлиб, В. И. Ленин ҳаёти ва фаолияти билан, Ленин васиятларига амал қилган КПССнинг бугунги ички ва ташқи снёсатн билан таништиради.

Музей экспозициясида В. И. Ленин ва Ўзбекистон мавзуси аниқ кўзга ташланади. Ленин ғояларининг Ўрта Осиёда тарқалиши, Совет Туркистонининг снёсий, иқтисодий ва маданий ривожланишига катта таъсири, Совет Шарқида ленинча миллий снёсатнинг амалга ошаётганлиги ва меҳнаткаш омманинг В. И. Ленинга бўлган миннатдорчилигини ифодаловчи экспонатлар бу ерда жуда кўп.

Экспозиция санъат асарлари билан мунтазам бойитиб борилмоқда. Яқинда Улуғ Октябрь Социалистик революциясининг 70 йиллиги, доҳий таваллудининг 118 йиллиги муносабати билан танишли рассомлар «Қишки Саройга ҳужум», «Хотира», «В. И. Ленин Горкида» асарларини музейга совға қилдилар.

Тарихдан маълумки, 1920—22 йилларн ўзбек меҳнаткашлари, Бухоро ва Хоразм элчилари В. И. Ленинга тўн совға қилишган эди. Ана шу тўнларнинг намунаси ҳам музейга жойлаштирилди.

Музейнинг ҳамма залларида пропагандаиинг техник воситалари — диапроектор, телевизор, мониторлар ишлаб турибди. 270 ўринга мўлжалланган кинозалда Ленин ва партияга бағишланган фильмлар намойиш қилинятти. В. И. Ленин ва унинг сафдошлари нутқи томошабинлар диққатига ҳавола этилаяпти.

Ҳар йили тарихий саналарга бағишланиб бир қанча кўргазмалар ташкил этилмоқда. Бу йил партиянинг Бутунитгифоқ XIX конференциясига бағишланган «Шундай партия бор» ва Туркистонда суғорнш ишларини амалга ошириш учун 50 миллион сўм пул ажратиш тўғрисида В. И. Ленин имзо чеккан декретнинг 70 йиллигига бағишланган кўчма кўргазмалар ташкил этиш мўлжалланмоқда. Бу кўргазмалар республикамизнинг бир қанча корхоналарида, колхоз, совхозларида намойиш этилади ва музей ходимлари томонидан лекциялар уюштирилади. Айни вақтда илмий-назарий конференциялар, оммавий-снёсий ўқишлар, партия уруш ва меҳнат ветеранлари, партия съездлари делегатлари, маданият ва санъат ходимлари билан учрашувлар ва бошқа оммавий тадбирлар уюштирилмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда содир бўлаётган революцион ўзгаришлар, қайта қуриш, ошкоралик вазиятида Ленинниинг бебаҳо ғояларига қайта-қайта мурожаат қилишга тўғри келмоқда. Шу сабабли музейда партия ва совет органларига ишга келган ёш кадрлар учун «В. И. Ленин, КПСС кадрлар ҳақида», «Ленинча партиявий иш услуби», «Ленинча ишлашнинг асосий йўналишлари» каби темаларда лекциялар ўқиш ташкил этилди.

Доҳийнинг бебаҳо ғояларини кенг оммага пропаганда қилишда республикамизнинг барча область ва районларида ташкил этилаётган жамоатчи Ленин музейларининг роли жуда каттадир. Бундай музейлар Фарғона, Андижон, Термез, Нукус шаҳарларида ишлаб турибди. Тошкент область Калинин районидаги Калинин номли колхозда, Янгийўл районидаги 32-СПТУ да, Чирчиқ шаҳридаги мактаб-интернатда, Янгийўл шаҳридаги 12-ўрта мактаб қошида, Бекобод металлургия комбинатидаги, Гулистондаги 1-ўрта мактабда ташкил этилган Ленин музейлари, хоналари, бурчаклари диққатга сазовордир. Марказий В. И. Ленин музейи Тошкент филиалининг фаолиятида ана шундай музейларга ёрдам бериш, совет кишиларини Ленин ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш муҳим ишлардан биридир.

Ҳозирги кунда музей ходимлари «Ленин ва Ўрта Осиё» мавзуси бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб боримоқдалар. Айни вақтда экспозицияни янги ҳужжатлар билан тўлдириб, музей ишларини замонавий талаблар даражасига кўтариш энг муҳим бурчимиз ҳисобланади.

Ф. МИРРАХИМБОЕВА,
музей илмий ходими.

● ЛЕНИНГРАД. Коммунистик партиянинг шонли тарихи ва В. И. Ленининг ҳаёти ҳамда фаолияти билан боғлиқ бўлган энг табаррук жойлардан бири Смольнийдир. Революцион қуролли отрядлар шу ердан вақтли ҳукуматнинг сўнгги таянчи — Қишки саройга ҳужум қилишган эди. Шу ерда 1917 йил 25 октябрда ишчи ва солдат депутатлари Советлари II Бутунроссия съезди бўлиб, съездда бутун ҳокимият Советлар қўлига ўтгани эълон қилинган эди. Суратда: Смольнийда В. И. Ленинга ўрнатилган ёдгорлик.

● ЛЕНИНГРАД. Виборг томони революция тарихи музейи экспозициялари жуда кўп тарихий воқеаларни ўзида ифодалагандир. Суратда: мамлакатимизнинг турли жойларидан келган томошабинлар музейни томоша қилмоқдалар.

ТАСС фотохроникаси.



МУҚАДДАС ҚАДАМЖОЛАР

✦ ЛЕНИНДАГИ енгилмас маънавий куч унинг кўзларидан учқун янглиғ чиқаётгандек ва яна руҳ билан суғорилган сўзлари ҳам ҳавода жилоланаётгандек туюларди. Ленининг нутқини тинглаганда киши ҳар доим рад қилиб бўлмас кучли ҳақиқатни жисман ҳис қилаётгандек бўларди.

М. ГОРЬКИЙ.

✦ МЕН инсоният ҳаётида «буюк одамлар»нинг фавқулодда роль ўйнаши ҳақидаги назариясининг тарафдори эмасман. Аммо башариятнинг буюк намояндалари ҳақида умуман гапирилса у ҳолда мен Ленин ҳақиқатан буюк одам эканлигини тан олишга мажбурман...

ГЕРБЕРТ УЭЛЛС.

✦ УНИНГ ташқи қиёфасидан оддий ва камтаринлиги кўриниб турарди, бироқ оддий бўлса ҳам, нимаси биландир кишини ўзига ром қилиб оларди. Ў дабдабали иборалар ишлатмас, содда, бироз қаттиқроқ овозда, жарангдор ва равшан қилиб, ҳудди шошиб, ҳаяжонланаётгандек гапирарди.

Н. ПОЛЕТАЕВ.

✦ ЛЕНИН номи ҳамма мазлум ва эксплуатация қилинган халқларнинг жанговар байроғидир, унинг ўлмас таълимоти — тинчлик, озодлик ва социализм учун курашимизда йўлчи юлдуздир!

ЖАВАННИ ЖЕРМАНЕТТО.

✦ ЛЕНИН мен учун дунёга келган одамлар орасида энг салоҳиятли ва энг тўкис одамлардан биридир. Инсониятнинг асрий орзусини амалга ошириш учун курашганлар орасида унга тенг келадиган одам йўқ.

АНРИ БАРБЮС.

✦ ҲАЛИ инсоният ўз фикр-хаёлини бу қадар ўзига тортган, бегараз одамни яратмаган эди. Ў ҳаётлик давридаёқ ўзига асрлар бўйи яшовчи маънавий ҳайкал яратиб кетди.

РОМЕН РОЛЛАН.

✦ ЛЕНИН тўғрисидаги фикрларим учун мен бирон марта ҳам таъна-маломатга қолганим йўқ. Башарти Ленин бизда реакционерлар таърифлагандек одам бўлганда эди, албатта, менга таъна тошлари отишарди.

БЕРНАРД ШОУ.

ЖАҲОН ЭЪТИРОФ ЭТАДИ

АПРЕЛЬ

Йиллар — замонанинг олтин кемаси,
Сени суронлардан олиб ўтади.
Лениннинг ўзидир унинг дарғаси,
Дунё йўлларидан ғолиб ўтади.

Йиллар — китоб,
Кун — саҳифаси,
Узукнинг кўзидай ойлар унга боб,
Ундан уфуради давр нафаси.
Умрим китобига битган ҳар ойнинг
Ўзгача хислати,
Моҳияти бор.
Апрель латофати, зийнат — чиройин
Оламга татирли хосияти бор.

Дўстлар,
Календарда апрель мен учун
Ойларнинг гултожи,
Улуғ, муқаддас.
Инқилобий бўрон,
Инқилобий йўл,
Асрим чечаклари унга эш, пайваст.
Унда Маркс умрин бўлиб давоми
Асрим жиловкори очди кўзини.

Чақмоқ юрагига жойлаб дунёни
Курашлар ўтига отди ўзини.
«Апрель тезисларин» ҳар бир жумласи
Бомбадай портлади ёвлар сафида.

Вулқонли йўлларда давр кемасин
Ленин олиб чиқди тутиб кафтида.

Даврим фалсафаси бошланди шундан,
Шундан қудрат олди дўстлик баҳори,
Апрель саҳоватн,
Илҳоми билан
Қўшиқлар куйла дер юрагим тори.

Ашурали АҲМЕДОВ.

ФАН ВА ТЕХНИКА СОҲАСИДА 1988 ЙИЛГИ ЛЕНИН МУКОФОТЛАРИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошн 1-бетда).

5. Юрий Александрович Косыгинга, академик СССР Фанлар академиясн Узоқ Шарқ бўлими тектоника ва геофизика институтининг директори, — 1983 йилда эълон этилган «Тектоника» монографияси учун.

6. Леонид Викторович Крушинскийга, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, — 1986 йилда эълон этилган «Мулоҳаза фаолиятининг биологик асослари» монографияси учун.

7. Тамаз Валерианович Гамкрелидзега, академик, Грузия ССР фанлар академияси Г. В. Церетели номидаги шарқшунослик институтининг директори, Вячеслав Всеволодович Ивановга, филология фанлари доктори СССР Фанлар академияси славяншунослик ва балканистика институти секторининг мудири, — 1984 йилда икки томда эълон этилган «Ҳинд-европа тили ва ҳинд-европаликлар» монографияси учун.

8. Борис Афанасьевич Галянга, Украина ССР Фанлар академияси Е. О. Патон номидаги электросварка институти тажриба конструкторлик-технологик бюроси лойиҳасининг бош конструктори, Анатолий Андреевич Толдинга, ана шу конструкторлик-технологик бюро бригадасининг бошлиғи, Владимир Иванович Хоменкога, техника фанлари кандидати, Бутуниттифоқ магистрал қувурлар ётқизиш илмий тадқиқот институти лабораториясининг мудири, Владимир Григорьевич Чирсковга, техника фанлари кандидати, СССР нефть ва газ саноати корхоналари қурилиши министри, Николай Петрович Драгуновга, «Куйбишевтрубопроводстрой» 4-трести комплекс қувур ётқизиш бошқармасининг бошлиғи, Анатолий Викторович Лукинга, механик-инженер, — катта диаметрдаги қувур системаларини учма-уч пайвандлайдиган юксак унумли технология ва машина-ускуналар комплексини яратганликлари учун.

9. Авенир Аркадьевич Вороновга, академик, СССР Фанлар академияси Бутуниттифоқ системали тадқиқотлар илмий тадқиқот институти директсияси ҳузуридаги маслаҳатчи, — 1957 — 1985 йилларда эълон этилган автоматик бошқариш назариясига доир туркум ишлари учун.

КПСС Марказий Комитетининг Секретари
М. ГОРБАЧЕВ

СССР Министрлар Советининг Раиси
Н. РИЖКОВ

МЕҲНАТ БАЙРАМИДА ҚАНДАЙ ИШЛАР БАЖАРИЛДИ?

Республика шанбалик штабида

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети секретари А. С. Икромов раислигида республика шанбалик штабининг 21 апрель куни бўлиб ўтган мажлисида Ўзбекистон меҳнаткашларининг коммунистик шанбаликдаги иштироки якунлари чиқарилди.

В. И. Ленин туғилган кунининг 118 йиллигига бағишланган шанбаликда 9,4 миллион киши қатнашганлиги таъкидланди. Уларнинг талайгина қисми шу кунни ўз иш жойларида ўтказди. заводларда, далаларда, қурилишларда, транспортда зарбдорларча меҳнат қилди. Катта ҳажмдаги кўкламги дала ишлари бажарилди. Маҳсулотнинг анча қисми тежаб қолинган ресурслардан тайёрланди. Юзлаб электр моторлари, ўнлаб тракторлар ва пахта териш машиналари, бир миллион метрдан кўпроқ ип-газлама, турли озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа кўпгина маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Қурувчилар 14 миллион сўмлик пудрат ишларини бажардилар. Ўзбекистон саноати 46 миллион сўмлик, яъни ўтган йилги шанбаликдагига нисбатан бир ярим миллион сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарди. Шаҳарлар, қишлоқлар, посёлкаларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш юзасидан каттагина ҳажмдаги ишлар бажарилди. Шу билан бирга штаб қайд этиб ўтганидек, республиканинг айрим областлари ва меҳнат коллективларида бултур шанбаликда эришилганига нисбатан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми пасайиб кетди.

Ленинча шанбалик қатнашчилари 7,8 миллион сўмдан кўпроқ маблағ ишлаб топдилар. Ана шу маблағ уларнинг қарорига биноан беш йиллик фондига, республиканинг социал ривожлантиришга сарфлаш учун ўтказилади.

Штаб мажлисида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари В. В. Сударенков қатнашди.

[ЎзТАГ].

САҲНАМИЗ ЛЕНИННОМАСИДАН

● **СУРАТДА: Н. Погодиннинг «Милтиқли киши» спектаклидан бир кўриниш. В. И. Ленин ролида Ш. Бурхонов, Шадрин — А. Турдиев.**

К. РОМЕЕВ фотоси.

ВЛАДИМИР Ильич Лениннинг замондошлари ёзиб қолдирган эсдаликларда доҳийнинг ажойиб инсоний фазилатлари ҳақида фикр юритилиб, унинг одамларни тинглаш қобилиятига алоҳида аҳамият беришган. Мана, айрим мисоллар.

Н. КРУПСКАЯ: «Ильич турмуш ва тирикчиликни билиш ниятида ҳаддан ташқари синчиклаб суриштирарди...» Яна бир жойда: «У ишчилар, деҳқонлар, дўстлари билан учрашганда ҳеч қачон ўзини улардан устун қўймаган, аксинча, улар билан тенгма-тенг бўлиб гаплашарди...»

В. КАРПИНСКИЙ: «Владимир Ильич Совет ҳукуматининг бошлиғи бўла туриб, ишчи ва деҳқонлар билан суҳбатлашишни жуда истарди. Унинг учун ишчи ва деҳқоннинг фикри, кайфиятни билиш Марказий Комитет ҳамда Халқ Комиссарлари Совети аъзоларининг фикрини билишдан кам эмас эди».

М. ГОРЬКИЙ. «У бўш пайтларида ишчилар орасида бўлиб, ҳаётнинг энг кичик масалаларигача улардан сўраб оларди...»

П. ЛЕПЕШИНСКИЙ: «Ленин йўл-йўлакай айтилган ҳар қандай фойдали фикрни, гарчи чаласавод одамнинг оғзидан чиққан бўлса ҳам, дарҳол илиб оларди».

А. АНДРЕЕВ: «Сиз Уралдан шекилли?» — деб сўради Ленин. Сўнг шу заҳотиёқ, «Уралдаги ҳамма заводлар ишлайдими? Колчак ҳайдаб чиқарилгандан кейин деҳқонларнинг кайфияти қандай ва улар бизга ғалла бероладими?» деган саволлар билан мени кўмиб ташлади».

А. ЛУНАЧАРСКИЙ: «Ленин қандай тинглашини кузатиш керак... У тўб маънода ҳар бир сўзни сувдек симириб оларди...»

О. ЧЕРНОВ (сибирлик деҳқон): «Ленин мени фавқулодда шахс сифатида тинглаган эмас, албатта, балки мен орқали деҳқонлар дардини тингладн, кенг омма аянчли аҳволга тушиб қолганини назарга олди».

Х. ВУОЛИОККИ (фин ёзувчиси): «Ҳаммамиз унинг одамларни тинглаш қобилиятидан ҳайратда қолардик. Четдан кузатганда, у билан гаплашаётган кимса унинг учун оламдаги энг азиз одамдек туюларди. Гўё у айнй шу одамни бир умр қидириб, ниҳоят топгандек кўринарди. Суҳбатдошини у шунчалик берилиб эътибор билан тинглар эди, шунчалик ўзга қадрли ва даркор эди».

Қаранг, буларнинг ҳаммаси турли кишилар, бироқ уларнинг бариси В. И. Лениннинг бир хислати — унинг инсон қалбига, меҳнаткаш омма дардига қанчалик диққат билан қулоқ солишини таъкидлаганлар. Владимир Ильичнинг бу фазилати рассомлар ижодида ҳам аксини топган. Масалан, таниқли совет рассоми А. Мароввнинг В. И. Ленин муҳожирликдан Россияга қайтишини тасвирловчи машҳур полотносини эслang! Унда вагон ичида В. И. Ленин ўтирган жойида гавдасини олдга бериб, солдатларнинг гапини бутун борлиғи билан тинглаб келаётгани ифодаланган.

Келтирилган мисоллар шундан далолат бердики, В. И. Ленин меҳнаткаш оммани тинглаб, унинг ақл-заковатидан, куч-қудратидан илҳомланган, ундан таълим олиб, унга таълим берган, раҳнамолик қилган. Айни ана шу якдиллик Ленин ва омма деган маънони касб этади.

1960 йилда Ҳамза номли академик драма театрида саҳналаштирилган «Кураш йиллари» спектакли ҳам, на таржима қилишга лойиқ асар бўлмай қолди...» Шунда театр бадиий совети В. И. Ленин таваллудини нишонлаш мақсадида А. Турдиев тайёрлаган мазкур композицияни маъқуллаган. Спектакль тўрт кўринишдан иборат. Уларни қўйидагича номлаш мумкин: «В. И. Ленин Разливда», «Шадрин билан учрашув», «Инженер Забелин Ленин ҳузурида» ва «Туркистон вакилларининг доҳий билан суҳбати».

Бу кўринишларнинг аксарияти илгари Ҳамза номли театр саҳнасида қўйилган спектакллардан жумладан, Н. Погодиннинг «Милтиқли киши» ва «Кремль соати», шунингдек, К. Яшиннинг «Йўлчи юлдуз» драмаларидан олинган. Бу спектаклларни ўз вақтида турли режиссёрлар саҳналаштирган, уларнинг ҳар бири ўзига хос талқинини топган. Шунга қарамай А. Турдиев композицияга киритилган кўринишларни узвий бирлаштиришга, бадиий яхлитлигини таъминлашга, маълум ғоявий йўналишини белгилашга эришган. Ҳамма кўринишларни бир мақсадга, яъни Лениннинг меҳнаткаш оммага сидқидилдан яқинлигини тарихан ҳаққоний акс эттиришга бўйсундирган.

Биринчи кўриниш қандай ҳал этилганини режиссёрнинг ўзи қуйидагича тасвирлайди:

«Икки бошловчи, бири — Сорахоним Эшонтўраевага, иккинчиси — Зикир Муҳаммаджоновга топширилди. Улар саҳнанинг икки четида туриб Россия тарихи, зулм-жабр орта боргани, шу муҳитда 1870 йилда... Симбирск шаҳрида халқ раҳнамоси В. И. Ленин туғилгани, шу тавалудга 90 йил бўлганини айтиб, халқ, Россия ўзининг қуллик занжиридан қутулиш тилаги ва бошланғич кураш йиллари ҳақида яққол далиллар келтириб ҳикоя қиладилар.

В. И. Лениннинг улғайиб ўз ҳаётини шу халқ озодлиги йўлига бағишлагани тасвирланар ва ҳикоя қилинар эди. Шуни ўқтириб ўтиш керакки, бошловчилар ўз ҳикояларини гўё тинч ва осойишта муҳитда В. И. Ленин ва у барпо қилган Коммунистик партия ҳақида қизиқарли бир китоб намойиш этарди. В. И. Ленинга шу саҳнада бир калима ҳам сўз берилган эмас. Бу образни яратган артист Шукур Бурхоновнинг катта саҳна устаси эканининг далолати шунда эдики, у узоқ муддат зал эътиборини оҳанграбодек ўзига тортиб туриш усулини топган ва шунга яраша хатти-ҳаракат излаган эди.

Бироздан кейин питерлик ишчи саҳнанинг чап томонидан 6—7 ёшлардаги ўғли билан кириб келади. Улар гўё ўрмонга қўзиқорин тергани чиққан ота-бола сифатида тасвирланган эдилар. Аслида бу ишчи В. И. Ленин билан Марказком орасидаги алоқачи эди. Бу алоқачи (артист Тўйчи Орипов) доҳийга Петрограддаги сиёсий аҳвол, қилинаётган ишлар, омманинг руҳияти, меньшевик эсерларнинг қабиҳ ҳаракатлари ва унга

МЕҲНАТКАШЛАР БИЛАН

ЙИЛЛАР ОША БИР НАЗАР

МАХСУС РЕЙС

1941 ЙИЛ ЁЗ ТУНЛАРИНИНГ БИРИДА АЛОҲИДА ТОПШИРИҚ ОЛГАН ПОЕЗД МОСКВАДАН ШАРҚ ТОМОН ЙЎЛ ОЛДИ. УНДА В. И. ЛЕНИННИНГ ЖАСАДИ СОЛИНГАН ТОБУТ ЖОЙЛАШТИРИЛГАН ВАГОН ҲАМ БОР ЭДИ.

...УРУШнинг биринчи соатларидан бошлабоқ Москва фашистлар авиациясининг зарбаларини кута бошлади. 22 июнь соат 4 у 40 минутдаёқ пойтахтнинг ҳаво ҳужумига қарши мудофааси ҳарбий тайёргарликка келтирилди. Кремль коменданти генерал Н. К. Спиридонов тонг саҳарлаб унинг территориясида фавқулодда ҳолат эълон қилди. Халқимизнинг энг муқаддас нарсаси— буюк В. И. Лениннинг жасадини сақлашга шахсий жавобгар бўлган бу киши жасадни урушдан аввалоқ махсус тайёрлаб қўйилган жойга олиб ўтиш керак, деб ҳисоблар эди. Бироқ воқеалар бу режани ўзгартириб юборди.

Урушнинг иккинчи суткаси охирида — 24 июнь эрталаб соат 3 да заводларнинг гудоклари ва ҳаво тревогасининг қий-чуви москваликларни уйғотиб юборди. Тезда аниқланишича, хатога йўл қўйилган экан: бизнинг бомбардимончи самолётларимиз ҳарбий топшириқдан қайтишаётиб, мўлжални йўқотиб қўйишибди ва Москва устида пайдо бўлишибди. Ҳамма уларни душманники деб ўйлашибди. Газеталарда тревогани машқ деб ёзишди, Москвага биронта ҳам бомба тушмади. Агар у ҳақиқий бўлганда-чи?..

«Мен,— деб эсларди Кремль коменданти, — фашистлар авиациясининг муқаррар ҳужумлари, шунингдек, душманнинг тезкор юриши туфайли Ленин жасадини, ҳатто, махсус жойда ҳам сақлаб қолиш амри маҳол, деган қарорга келдим. Мен уни кўчириш масаласини кўтардим...

Масала партия Марказий Комитети Сиёсий бюросида кўрилди. Мен ўз мулоҳазаларимни баён қилдим ва Владимир Ильич жасадини Тюменга кўчиришни таклиф қилдим. Нега у ёққа, деган Сталиннинг саволига шундай деб жавоб бердим: «Кам аҳолили, овлоқ шаҳар. Саноат ва ҳарбий объектлари йўқ. Немис авиациясининг эътиборини тортмайди» Кимдир, Свердловскни тавсия этди. Лекин мен у йирик саноат шаҳри, фашист учувчилари уни бомбардимон қилишга уринишлари эҳтимолдан ҳоли эмас, дедим. Тюменни маъқуллашди».

Тиббий-мўмиёлаш лабораториясини бошқараётган профессор Б. И. Збарскийни Кремлга чақиришди. Уни қабул этилган қарордан хабардор қилишди ва олимларга бундай рейс учун нималар зарур бўлади, деб сўрашди. Бундай кўчишнинг жами қийинчиликлари ва масъулиятини ҳаммадан кўра аниқ-равшан тушунган Б. И. Збарский, унинг ўзининг айтишича, довдираб, ҳайратда қолган. Бинобарин олимларнинг 17 йилдан буён бир ерда кечаётган иши ҳарорат, намлик ва ёруғликнинг қатъий белгиланган муҳитини яратиш учун осонлик туғдирар эди-да. Дафъатан йўл ларзалари, ўзгарувчан иқлим ва ҳар хил ҳарорат. Ва яна бир ярим минг километрдан зиёдроқ йўлни айтмайсизми? 1924 йили Ленин жасадини мўмиёлашганда на профессор В. П. Воробьёв, на унинг ёрдамчиси ва вориси Б. И. Збарский воқеаларнинг бундай ўзгаришини, оқибати нима билан тугаши номаълум бўлган бундай қадам қўйилишини билишмаган эди. Таваккал қилишга Збарскийнинг ҳаққи борми?

Бироқ Марказий Комитетда қарор қатъий, қайта кўрилиши мумкин эмас, дейишди. Эс-хушини йиғиб олгач, профессор лозим микрообҳавони таъминловчи ускуналар ва вагон силкинишларини камайтирадиган махсус амортизаторлари бор вагонни жиҳозлаб беришларини сўради.

Медикларга йиғиштириш учун бир сутка беришди ва ҳамма нарса бутунлай маҳфий бўлиши керак, деб эскартиришди. Кўчишнинг ва эвакуацияда илмий ишларни давом эттиришнинг барча икир-чикирлари пухта ўйлаб чиқилди. Махсус вагон зарур ускуналар ва қурилмалар билан жиҳозланди.

1941 йил 28 июнда Мавзолей бўшаб қолди. Бу кун арафасида махсус поезд тайёрланган эди: бир паровоз ва уч вагон. Ниҳоят поезд тунда Москвадан чиқиб кетди. Бир вагонда Ленин ётарди, бошқа вагонларда эса соқчилар ҳамда табобатчилар, янги, янада такомиллашган тобут устида иш олиб бораётган мухандислар, хизмат кўрсатувчи ходимлар, уларнинг оила аъзолари боришарди. Ленин вагонида Мавзолей коменданти ва фахрий қоровул аскарлари бор эди.

Поезд деразалари ортида оқ қайинлар, эманлар лип-лип ўта бошлади, кейин шумурт ва қарағайлар кўрина бошлади. Гўё қадрдон табиат минг километрлик фахрий қоровулда тургандай эди. Рўпарадан эса ҳарбий эшелонлар, ғилофланган тўплар, танклар келишарди. Улар Ғарбга, Октябрь ғалабаларини ҳимоя қилишга, Ленин яратган Советлар мамлакатини сақлаб қолишга ошиқардилар.

Кейинроқ Б. И. Збарский бу ҳаяжонли рейс ҳақида драматург А. Штейнга гапириб берган. У шундай деб ёзиб қўйган:

«Збарский мижжа қоқмаган, тун уйқусиз ўтган.

Ленин ётган вагонга кириш учун, албатта, составни тўхтатишга тўғри келган. Чунки кириш фақат ташқаридан бўлган... Темир йўл уланган жойлардаги ҳар бир силкиниш Борис Ильичнинг юзида акс этиб турган. Жўнашгач, олти соатдан сўнг у поезд бошлиғи полковник Лукиннинг поездни тўхтатиш тўғрисидаги таклифига розилик беради.

Буйруқ берилади. Хилват ярим станцияда поезд таққа тўхтайди. Борис Ильич перронга чиқиб, Ленин вагонига киради. Амортизаторлар ва лозим микрооб-ҳаво мосламалари ишини текшириб кўргач, ҳамма нарса жойида ва яхши эканлигига ишонч ҳосил қилиб, у Лукинга мамнун боқиб қўяди...

Бундай тўхташ бутун йўл давомида учта ёки тўртта бўлади».

1941 ЙИЛ июли бошларида давлат хавфсизлиги капитани П. Д. Ведерниковни Давлат Хавфсизлиги Халқ Комиссарлиги Свердловск темир йўли Тюмень бўлинмасининг бошлиғи Блохин чақиртиради.

— Сенга, — дейди у, — қатъий давлат сирига риоя қилинадиган муҳим топшириқ берилади: Тюмендан Свердловскка махсус рейс билан борадиган ва қайтиб келадиган учта паровоз тайёрлаш керак. Уларни депо комиссияси билан бирга текшир, актларга қўл қўй...

Кейин секинроқ қўшиб қўяди:

— Бизга ўта масъул топшириқ берилган. Бу ҳақда ҳеч ким бохабар бўлмаслиги керак. Ҳеч ким, — яна қўшимча қилади: — Бутун юриш қисмларини, ҳамма техниканинг мустаҳкамлигини текшир.

Машинистнинг собиқ ёрдамчиси, Томск транспорт инженерлари электромеханика институтининг талабаси П. Д. Ведерников Свердловск темир йўли Тюмень бўлинмасида инженер-темирйўлчи дипломига эга бўлган ягона чекист эди. Тюменга борадиган махсус поезд хавфсизлигини таъминлашни, шу боис, унга топширишади.

«Мен депо ишчиларига, — деб эслайди истеъфодаги майор П. Д. Ведерников, — учта «ИС» маркали паровоз ажратиш ҳақида буйруқ бердим. Дозорчи деб аталмиш биринчиси соқчилар билан оралиқ станцияда олдинда боради. Иккинчиси, асосийси, бирида Ленин ётган вагонларни шатакка олиб юради. Учинчиси, ортдагиси, соқчилар билан оралиқ станцияда орқада боради».

Темирйўлчи усталар Тюмень — Свердловск темир йўлининг 350 километрлик қисмини обдон кўздан кечириб чиқдилар. Ҳаракат хавфсизлигини тўлиқ таъминлаш учун барча стрелкалар темир қозиқлар билан «кишанлаб» қўйилди ва қулфлаб ташланди. Натижада махсус поезд юриб ўтадиган асосий йўлга ёнлама тармоқлардан биронта ҳам состав кира олиши мумкин бўлмайдиган бўлиб қолди. Бу тасодифий тўқнашув, авария эҳтимоллигини мустасно қилди. Йўл участкаси бошидан охиригача кўтарманинг ҳар икки томонидан қўшинлар ва милиция билан қуршаб олинди.

...Уч паровоз — бирин-кетин — махсус поездни кутиб олиш учун Свердловскка жўнаб кетди. Дастлаб — дозорчи, кейин — асосийси ва ниҳоят, охиргиси. Ҳар бирида чекистлар бор эди. П. Д. Ведерников диспетчер хонасидан муҳим рейсни кузатиб турди. «Мен, — деб эслайди ветеран, — паровозлар ҳолати учун, стрелкалар «кишанланганлиги» учун, Ленин ётган поезд ўтадиган маршрутнинг бутун тайёрлиги учун ғоят катта жавобгарлик сезардим. Менинг ҳамма дўстларим ҳам худди шундай ҳис-ҳаяжонда эдилар».

Махсус поезд 10 июлда, илк саҳарда, ҳамма уйқудалигида Тюменга етиб келди. Соқчилар кузатувидаги автомашина вокзалдан Республика кўчаси томон йўл олди ва революциягача қурилган катта бино олдида тўхтади. 1917 йилгача унда амалий билим юрти, урушдан олдин эса қишлоқ хўжалик техникуми жойлашган эди. Эндиликда эса унга буюк доҳийнинг муваққат Мавзолейи бўлиб қолишдек шараф насиб этди.

Пост № 1 гўё иккига бўлингандек бўлди: узоқдаги Москвада Ленин Мавзолейи олдида илгаригидек фахрий соқчилар туришарди. Айни вақтда уч йилу тўққиз ой соқчилар гитлер бомбардимончилари ета олмайдиган Урал ортидаги шаҳарда Ильични эҳтиётлаб турдилар. Фахрий соқчиликка борар эканлар, аскарлар асфальт узра, гранит узра эмас, оддийгина вилоят биноси паркетлари узра қадамларини муҳрлар эдилар. Жуда ҳам оз тюменликларгина шу даҳшатли йилларда Ватан уларнинг шаҳрига доҳий жасадини сақлашни ишониб топширганлигидан воқиф эдилар.

1944 ЙИЛНИНГ қишида Тюменга нуфузли ҳукумат комиссияси келди. Владимир Ильич вафотининг 20 йиллиги муносабати билан у жасаднинг ҳолати ва уни бундан кейин асраш борасида тавсиялар бериши, шунингдек, Б. И. Збарскийда туғилган ростмана илмий ва тиббий саволларга жавоб бериши лозим эди. Комиссияда СССР Соғлиқни сақлаш халқ комиссари Г. А. Митерев, академиклар — 1924 йил январида Ленин жасадини мўмиёлашда иштирок этган А. И. Абрикосов, Н. Н. Бурденко ва Л. А. Орбелилар бор эди.

«Бизларни Тюменда маҳаллий партия ва Совет ташкилотларининг вакиллари ҳамда лаборатория ходимлари кутиб олдилар, — деб эслайди СССР Соғлиқни сақлаш халқ комиссари. — Кўкиш совуқ осмон остидаги шаҳар қордан ялтираб турарди. Дарҳол ишга киришдик... Жарроҳ Н. Н. Бурденко ва физиолог Л. А. Орбели хотиржам ва ишчан эдилар. Ўшанда менга фақат ёлғиз ўзимгина шифокорлик ҳаяжонидан ташқари, яна шунчаки инсон сифатида ҳам ҳаяжонланаётганимни ҳис қилаётгандек туюлди. Лекин, кейин амин бўлдимки, комиссия аъзоларининг ҳаммаси ҳам шундай ҳис-ҳаяжон таъсирида бўлишган».

Жасад ўзининг кўриниши билан ўлимни эслатмас эди. Аниқроғи, бизнинг кўз ўнгимизда жуда чуқур уйқу ҳолатидаги инсон ётгандек эди».

Тюменда фақат шифокоролимларгина катта иш қилишгани йўқ. Техника фанлари кандидати Н. В. Горбачев бошлиқ архитектуравий ёритиш лабораториясининг ходимлари 1939 йилда янги тобут ясаш ва у билан боғлиқ ёритиш системаси ишларини ниҳоясига етказдилар. Уч бурчакли призма шаклида бўлган аввалги тобутнинг ойнаванд деворлари кучли нур таратар, шунингдек, унинг ёритилиши ҳам мукаммал эмас эди. Ойналарнинг шундай оғиш бурчагини топиш керак эдики, улар мутлақо нур қайтармайдиган бўлсинлар. Н. В. Горбачев ва унинг ҳамкасблари қатор тажрибалардан сўнг тўнкарилган трапеция шаклига эга бўлган тобут ясадилар. Ойналар нафақат нур қайтармайгина қолмай, гўё улар мутлақо мавжуд эмасдай эди. Нур манбалари ҳам кўринмай қолди. Нур-оптик жиҳозлар ва кўзгули лампалар тобут ичига яширилди. Ускуналар таратаётган нурнинг ҳар бир толаси Ильични яхшироқ ёритиш учун ўз йўналишини, кучини, рангини ўзгартирар эди.

Ёритишнинг энг яхши йўлини топган инженерлар ва конструкторлар бу ишнинг атиги ярмиси эканлигини тушунардилар. Мотам залида, айниқса, тобутда доимий ҳарорат бўлиши шарт эди. Зиёратчиларнинг уч-беш соат келиши мобайнида ҳамма ёруғлик оптик ускуналари ишлаб турса, ҳаво, албатта, қизиб кетади. Инженерлар ёритгич ускуналарида иссиқлик энергиясини ютадиган ҳимоя ойнафильтрларини қўлладилар.

Ҳукумат комиссиясига Москвага қайтиш истагини билдирган Б. И. Збарский янги тобут ва ёритиш жиҳозларини Мавзолейда ўрнатиш ва синаш заруратларини ҳам назарда тутган эди.

1945 ЙИЛНИНГ бошларида Қизил Армия узоқ Ғарбда душманнинг додини бера бошлади. Москвага фашистлар ҳужумининг хавфи аллақачонлар ўтиб кетган эди. 1945 йилнинг 29 мартида Кремль коменданти генерал Н. К. Спиридонов Ленин жасадини Москвага кўчириш тўғрисида фармойиш берди.

... 1945 йилнинг 16 сентябрида Мавзолей ўз эшикларини зиёратчилар учун қайтадан очди. Бу узоқ кутилган мунаввар айём эди.

Ёмғир севалаб ёғарди. Бироқ Қизил Майдондаги одамлар об-ҳаво ноқулайликлигини сезмас эдилар. «Кундуз соат бирларга яқин, — деб ёзган эди «Известия», — Мавзолейга кираверишда одамлар тўдаси пайдо бўлди ва у тезда кўпая бошлади ҳамда жуфт-жуфт бўлиб буралиб турган жонли эгри-бугри тасмага тизила бошладилар. Ленин Мавзолейи олдида йиғилганларни қандайдир янги ва ҳаммага хос кайфият қамраб олган ва бирлаштирган эди. Паст овозда сўзлашувлар, қарашларнинг нурли мужассами...»

Янги тобутни безаган таъзимкор бронза байроқларни ясаган «Красный пролетарий» заводининг ишчилари, орден ва медаллар тақиб олган ҳарбийлар, армиядан бўшаган, елкаларида олинган погонлар ўрни бўлган қорамтир парча бор гимнастёркали жангчилар, студентлар, пионерлар шу ерда...

«Улар, — деб давом этади газета, — эҳтиромли сукутда гранит пиллапояларидан пастга тушадилар... Мана, улар қаршисида Ленин. Тепадан сизиб тушаётган майин ва илиқ ёруғлик унинг бениҳоя азиз ва таниш чеҳрасини ёритиб турибди... Одамлар тобутда ётган Лениндан нигоҳларини узмай, унинг ёнидан ўтадилар. Улар кетар эканлар яна ва яна қайрилиб қарайдилар».

Ўша биринчи кунда Ленин даҳмасини ўн мингдан ошиқ киши зиёрат қилди.

Бизнинг одамларимиз Ленин номи билан жангга кирдилар, Ленин номи билан танклар ясалган шаҳарларда, самолётлар яратилган қалъаларда, далаларда, шахталарда меҳнат қилдилар. Зафар қучдилар. Ленин тобути ёнидан ўтаётган ҳар бир киши фикран доҳий олдида бошидан кечирган оловли йиллар ҳақида, Ғалабага ўзининг қўшган ҳиссаси хусусида гўё ҳисобот берар эди.

Алексей АБРАМОВ,
(«ТРУД» газетасидан).

ПОДАНИ КИМ БОҚАДИ?

(Давоми. Боши 1-бетда).

қишлоқ ичкарисига қочди. Бундан баттар ғазаби тошган қоровул отини жони борича чоптириб, қорни тирсиллаб турган сигирни бетиним қувиб кетаверди. Жонивор жон аччиғида бир дарвозани тарақлатиб очиб кирди-ю, устунда бойлоқлиқ турган бузоқчаси ёнига етгач гурсиллаб қулади. Аҳвол чатоқлигини кўрган қоровул отининг бошини шарт орқага буриб, бирпасда кўздан ғойиб бўлди. Яқингинада бузоқлаган сигир эса пичоққа ҳам илинмади..

Биринчи ўримга қадар ўсган кўкламги бедага тўйиб олган қорамолни қувиб ҳайдаш асло мумкин эмаслигини, бордию шундай ҳол юз бериб, сигирнинг қорни шишиб кетган тақдирда нафаси тиқилаётган жониворга дарҳол тиббий ёрдам кўрсатиш кераклигини қоровул жуда яхши биларди. Аммо у қилар ишни қилиб қўйиб, бамайлихотир ортига қайтиб кетди. Бунга асос бор: қоровул жавобгарликдан соқит. Уни колхоз раҳбарлари қўллаб-қувватлайдилар. «Керак бўлса молларини боқиб юришсин, жуда тўғри қилгансан», деб мақтаб ҳам қўйишади.

Энди иккинчи воқеага ўтайлик. Хондайлиқ қишлоғи аҳолисининг ярми ўз қўй-эчкиларини тоққа қаровсиз ҳайдаб юбораверади. Улар аввалари истаган жойларида ёйилиб, кечқурун уй-уйларига ўзлари қайтиб келаверишди. Лекин кўп ўтмай қўй-эчкилар орасида тоғда тунаб қолувчи «ташаббускорлар» ажралиб чиқди. Бора-бора бутун пода уларга эргашди. Майда мол эгалари: «Яхшилаб семираверишсин, бир кун ҳайдаб тушармиз» деган хомхаёл билан хотиржам юраверишди. Тоғнинг ҳам бўри отлиғ хўжайини борлиги ёдларига тушганда вақт ўтган эди. Юз-юзлаб қўй-эчкиларнинг суяк-саёғлари турли жойларда сочилиб ётарди. Бир хонадондан беш-олти, ҳатто ўн-ўн иккитагача майда мол бой берилди. Холбуки, ўша оилаларнинг қозонларида ҳар куни гўшт қайнаётгани йўқ. Ўз болачақаларига сўйиб бериш учун кўзлари қиймаган қўй-эчкиларини улар қўшқўллаб бўриларга топширишди. Бу эртак ёки тўқима эмас, 1987 йилнинг куз ойларида рўй берган айни ҳақиқат.

Хўш, Хондайлиқ қишлоғидаги чорва моллари нега бундай бебош, қаровсиз аҳволда қолди? Бунинг ягона сабаби қишлоқда муқим подачининг йўқлигидир. Пода ҳайдаш мавсуми бошланиши билан мол эгаларининг куйиниб гапиришларида жон бор: йигирма-ўттиз кун орасида бир марта келадиган пода боқиш навбатини ҳамма ҳам виждонан адо этмайди. Кўпчилик бу вазифани қўл учида бажаради. Подани бошланғич синфларда ўқийдиган болаларга боқтирадилар. Катта ёшдагилар ҳайдаб жўнаган тақдирда ҳам кўздан овлоқроқ жойга етгач молларни қаровсиз қолдиришади. Шундай «эрк»ка эга бўлган чорва қандай қилиб бир тартибга кўниксин?! Бебошлиги, суқлиги оқибатида бу қишлоқда ҳар йилги пода мавсумида юзлаб қорамоллар ва қўй-эчкиларнинг нобуд бўлаётгани рост.

Бу масалада яна бир ажабланарли ҳангомага дуч келасиз. Хондайлиқ қишлоғидаги ташкилот ва муассасаларнинг оддий меҳнаткашлари, ҳатто айрим раҳбарларни ҳам вақти-вақти билан иш жойларидан тополмаймиз. Кечқурун йўлга чиқиб турсангиз, у таёғини судраб пода ҳайдаб келаётган бўлади. Мактабда ҳам гоҳ ўқитувчи, гоҳ подачилик қилади. Яна улар: Пода навбати келиб қолган экан, шундан бир амаллаб қутулдик! деб қўйишади.

Шу ўринда ўз-ўзидан савол туғилади: Хондайлиқ қишлоғида нега подачи йўқ? Қишлоқ фаоллари бу муҳим масалага нима учун эътибор бермайдилар?

Биз юқорида ҳикоя қилган — чорва моллари қирилиб кетган маҳаллаларда подачилик қилиш учун бошқа қишлоқдан бир оила талабгор бўлиб келган экан. Одамлар тўпланишиб, ҳар бош қорамол, қўй ва эчки учун меҳнат ҳақи белгилашибди. Бўлажак подачилар ҳам кўнишибди. Хуллас, шартнома тузилибди. Ҳамма тарқалгач беш-олти киши қолиб, подачиликни зиммага олганларни ҳар хил бўлмағур гаплар билан обдан қўрқитишибди. «Бу қишлоқдагилар ишлата-ишлата пул бермай кетишади», «Хотиржам яшай олмайсизлар, одамлар чатоқ...» Натижада подага талабгор бўлганлар шу куниёқ бу ердан жўнаб қолишибди. Ишбузармонлар қилмишининг сабаби маълум бўлди. Уларда рўйхатга олинмаган кўплаб қорамол ва қўй-эчкилар бор эдики, подачига анча катта пул тўлашга тўғри келарди. Навбат билан боқилганда эса хоҳ ўнта, хоҳ битта қорамоли бўлсин, ҳамма тенг ишлайверади. Шу ҳолни кўра-била қишлоқдаги, қолаверса райондаги бу соҳа мутасаддилари томошабин бўлиб турибдилар... Подачи муаммосини ҳал этиш шу қадар мураккаб масаламиди?

Бу саволга жавоб ўрнида Хондайлиққа ён қўшни Сойлиқ қишлоғидаги тартибни айтиш мумкин. Сойлиқ қишлоқ Совети ижроия комитетининг анча йиллар олдинги раиси, колхоз правлениесининг ўша пайтдаги раҳбарлари бу муаммони жуда ўринли ҳал этганлар. Улар бу масала юзасидан пухта режа тузишиб, уни кўпчилик муҳокамасига қўйишган. Шундай қилиб, қишлоқ хонадонларидаги чорва моллари иккита подага тақсимлаб чиқилган. Ҳар бир подани навбат билан боқиш шарти асосида икки кишидан иборат подачилар тайинланган. Қорамол, қўй-эчкилар учун аниқ иш ҳақи, айтайлик, қорамолга 4—5 сўм, қўй ёки эчкига 1 сўм белгиланган. Бу тартибга одамлар ҳам, подачилар ҳам рози. Чунки подачиларнинг меҳнати қишлоқда муносиб тақдирланади. Қишлоқ катталари район Совети ижроия комитети раҳбарлари билан бамаслаҳат хонадонларнинг подачиларига бир қатор имтиёзлар белгилашган. Жумладан, уларнинг иши умумий меҳнат стажига ўтади, ўртача ойлик маоши икки юз сўмдан кам бўлмайди, бош план асосидаги майдондан қурилиш учун навбатсиз ер ажратиб берилади, хашак билан биринчи навбатда таъминланади ва ҳоказо.

Шахсий хонадонларнинг бу иши ижобий ҳал этилганлиги учун мазкур соҳада ортиқча гап йўқ. Қўлга бир бор ўрганган чорва моллари ювош ва итоатгўй. Шунинг учун ҳам кутилмаган нобудгарчиликлар рўй бермайди. Подачилар эса шахсий хонадонларнинг чорвасига ажратилган юз гектарча майдондан авайлаб, унумли фойдаланишади. Яйлов бойлигини ноўрин исроф қилиш оқибатида кейинчалик ўзлари қийналиб қолишларини улар жуда яхши тушунишади.

Умуман шахсий хонадонлар чорваси ва бу соҳа равнақи учун Сойлиқ қишлоғида яна бир қатор қулайликлар яратиб берилган. Колхозга амалий ёрдам кўрсатаётган хонадонлар дағал хашак, сомон билан таъминланади. Хизмат кўрсатган колхозчилар, уруш ва меҳнат ветеранлари, урушда ҳалок бўлганларнинг оиласи кабиларга чорва озуқаси бепул берилади. Қишлоқдаги ветеринария пункти эса шахсий хонадонларнинг молларини даволайди, наслини яхшилаш учун тинимсиз иш олиб боради...

Ғамхўрликларга жавобан Сойлиқ аҳолиси ўз эҳтиёжларидан ортиқча чорвачилик маҳсулотларини қабул пунктларига топширмоқдалар. Бу соҳадаги салмоқ йил сайин ошиб бормоқда. Бўстонлиқ районининг Сойлиқ қишлоғидаги бу яхши тажриба республика миқёсида жорий қилинса арзийди. Афсуски нафақат район, балки республика Агросаноат давлат комитетининг бу соҳа мутасаддилари шахсий хонадон чорвачилигига оид жумбоқли масалалар юзасидан аниқроқ тасаввурга эга эмас. Бу иш билан шуғулланувчи бўлим ходимлари биз билан суҳбат чоғида бирон-бир тайинли йўл-йўриқ кўрсата олмадилар. Республика миқёсида бунақа «икир-чикир»лар билан шуғулланишга уларнинг балки вақтлари йўқдир? Район ёки қишлоқ раҳбарлари-чи? Улар ҳам муҳим подачи топиш йўлида тўғаноқ бўлиб турган яширинча чорва молларини фош этиш каби ишлардан нега ўзларини четга тортишади? Ёки «қишлоқчилик, юз-юзга тушади» деган андишалар бунга йўл бермаяптими? Шахсий хонадонларнинг пода-пода моллари қирилиб кетаётганлиги шу юз-хотирчилик оқибати эмасмикан?! Хуллас, бу мавзу чуқур мулоҳаза юритишни талаб қилади. Негаки хўжалик шахсий бўлган билан манфаати умумий.

Асад АСИЛОВ.
(«Қишлоқ ҳақиқати», 31 март 1988 йил).

ҲАМНАФАС

рининг тинимсизлигини сўзсиз, фақат ҳаракатлар воситасида ифодалагани кишида катта таассурот қолдириши билан уни доҳийнинг айни пайтдаги революцион фаолиятига ишонтиради. Актёрнинг юксак ижрочилик маҳорати туфайли томошабин у яратган образдан диққатини узолмайди. Чунки, санъаткорнинг ҳар бир ҳаракати маълум маъно касб этган. Масалан, Ленин гоҳо қисилган кўзларини олисларга тикиб хаёлга чўмади... Шу онда қандайдир фикрга келгач, эътиборини яна ёзувларига қаратади, қалам тебратади... Гоҳо ёзувини тўхтатиб қаламининг орқа учини лабига тираб, қоғозга туширганларини тезда кўздан кечиради, нималарнидир дарҳол ўчиради, тузатишлар киритади... Гоҳо ўрнидан туриб атрофга назар ташлайди, нари-бери секин юриб фикрлайди... Бирдан унда қандайдир бесаранжомлик пайдо бўлади, чеҳраси жиддийлашади... Шу пайт уни қандайдир жиддий масала ташвишга солаётганини яққол сезади, киши.

Питер ишчиси келганда Лениннинг кайфияти бирдан ўзгариб кетади, севинганидан унга пешвоз юради. Аввалги бесаранжомлиги, ўта бандлиги йўқолади, чеҳрасида табассум, шунинг билан бирга қандайдир бетоқатлик пайдо бўлади. А. Андреев айтганидек, ишчини саволларга «кўмиб» ташлайди. Ленинни ҳамма нарса қизиқтиради. Ишчидан кўзини узмайди, унинг ҳар бир сўзи, ҳар бир ҳаракатини диққат билан кузатади. Ҳатто қайси сўзга қандай урғу берилаётганига аҳамият беради. Тинглаганларини йўл-йўлакай ўзича таҳлил қилиб беради. Баъзан ишчини бўлиб, фикрга аниқлик киритиш учун ундан сўроқлаб суриштиради. Ленин ишчининг айни пайтдаги руҳи, кайфиятига ҳам эътибор беради. Чунки суҳбатдошининг ҳолати орқали вазиятнинг ночоғлигини билиб олишга интилади. Шунинг учун ҳам гап бораётганда Ленин уни қистамайди, шоширмайди, тинглайди.

Суҳбатимизнинг бирида Ш. Бурхонов шундай деганди: «Амин Турдиев спектаклдаги вазифамни белгилаб, В. И. Ленин бу асарда ишчи, деҳқон ва зиёли билан учрашади. Уларнинг ҳаммаси меҳнаткаш одам, жумладан, Забелин ҳам, гарчи у оқсуяклардан чиққан бўлса-да. Доҳий заҳматкашнинг арз-додини, гапини доимо сидқидилдан тинглаган. Унинг улуғворлиги ҳам, инсоний юксаклиги ҳам шунда. Бинобарин, бу саҳналарда Питер ишчиси, милтиқли киши Шадрин, инженер Забелин, Туркистондан келган ишчи-деҳқон вакиллари билан учрашганда, уларнинг гапини фақат қулоқ эмас, кўз билан, бутун қалб билан тингламоқ керак деб уқдирган...

1947 йилда Н. В. Ладигин театримизда Н. Погодиннинг «Кремль соати» драмасини саҳналаштирди. Иш жараёнида В. И. Лениннинг оддий меҳнаткашга муносабати, унинг самимийлиги, халқчиллиги ҳақида Н. Крупская, А. Луначарский, М. Горький, В. Маяковскийларнинг айтганларини мисол келтирганди. Амин Турдиев ҳам менга худди шуларни эслатди. Лениннинг ўзидан иқтибослар келтирди. Шулардан бири хотирамга сингиб қолган. Айнан ўзини эслолмайман. Аммо маъноси шундай эди:

— Энг орқада қолган, энг нодон қизил аскарга меҳнаткаш одам нуқтаи назаридан унга ёндашишни, аҳволни тушунтириш, бошига мусибат тушганда ёрдам бера билиш керак, —деб айтган Владимир Ильич.

Шукур Бурхонов В. И. Ленин образини мужассамлаштиришда режиссёрнинг айтганларини ортиғи билан бажо келтирган. Бу юқорида тафсилоти берилган саҳналардагина эмас, сўнгги кўринишларда ҳам ўзининг чуқур ифодасини топган. Ўз вақтида матбуот саҳифаларида Ш. Бурхоновнинг Владимир Ильич образини яратишдаги ижрочилик маҳорати тўғрисида батафсил ёритилганди. Бироқ унинг «Милтиқли киши» драмасидан олинган кўринишда Ленин образининг талқини ҳақида маълумот йўқ. Шунинг учун «Шадрин билан Ленин учрашуви», унда актёрнинг доҳий образини қандай гавдалантиргани борасида тўхтаб ўтиш ўринлидир.

Мазкур спектаклга қадар Ш. Бурхонов ўн йил давомида В. И. Ленин образини яратиш борасида ижодий изланишлар қилди. У Н. Погодиннинг «Кремль соати», Ш. Даванининг «Учқундан аланга», Вс. Вишневскийнинг «Унутилмас 1919 йил» ва К. Яшиннинг «Йўлчи юлдуз» драмаларида В. И. Ленин образини яратди. Орттирилган катта ижодий тажриба «Кураш йиллари» спектаклида доҳийнинг барҳаёт сиймосини мукаммал гавдалантириш учун баракали замин бўлди. Энг муҳими, актёр образнинг ташқи портрет ўхшашлиги билан ички оламини уйғунлаштириб, доҳий тафаккурининг узлуксиз фаолиятини кўрсатишга эришди.

Машҳур совет ҳайкалтароши С. Коненков В. И. Ленинни эслаб, уни шундай тасвирлайди: «У қандайдир ўзига хос жозибасига эгадек кўринади менга. Файласуфнинг катта пешонаси малла соч билан ўралган, кўз боқиши ўткир, заковатли...» Бу мисраларни ўқиганимизда, Ш. Бурхонов яратган образнинг ташқи ифодаси беихтиёр назаримизда мужассамланади. Актёр доҳий портретига рассом сингари ёндашган, у қаҳрамонининг юз бичимларини, ҳаракатларини яққолроқ, йириклаштириб беришга интилган. Яқиндан қаралганда, гўё ҳеч қандай ўхшашлик йўқдек туюлади, узоқдан, яъни залдан қаралганда, В. И. Лениннинг ҳаққоний портрети, жонли сиймоси кўзга ташланади. Доҳийнинг маънавий ва ҳиссий олами, революцион эҳтироси эса бевосита Шадрин билан мулоқотда бўлганда кўринади.

... Шадрин ундан икки қадам нарига индамай ўтиб кетаётган Ленинни тўхтатиб, қайноқ сув қаердалигини сўрайди. Ленин орқасига ўгирилади, ғоят илиқ ва илтифот билан: «Чойни соғиниб қолибсизда-а?...», дея ошхона қайси томондалигини хаёлан қидиради, шекилли, нари-бери назар ташлайди... Сўнг шу заҳотиёқ Шадринга рўпара келиб: «Хўш, ўртоқ! Кўпдан бери урушдамисиз?» деб сўрайди ва диққат билан унга термулади...

Шадрин миллион-миллион заҳматкашлардек ҳаётда хўрланиб, мулкдорлар эшигида ҳақоратланиб, камситилиб келган. У умрида ҳеч кимдан, ҳеч қачон бунчалик илтифотни, сидқидилликни кўрмаган, ширин сўз эшитмаган. Лениннинг камтарлиги, самимийлиги, муносабатининг илиқлиги ва меҳр билан боқишидан таъсирланиб доҳийга қалбини очади. Гарчи ўзи ким билан суҳбатлашаётганини билмаса-да, Владимир Ильичнинг оддийлиги, меҳнаткаш тақдири билан астойдил қизиқиши, у билан тенгма-тенг бўлиб суҳбат қуриши — Шадринга ўзини эркин ҳис этишга, тортинмай, ҳаяжонга берилмай, бамайлихотирлик билан кўрган-билганларини гапиришга кулайлик беради.

Ленин Шадриннинг кўнглидаги гапларни тез билиб олишга ошиқмайди. Гапни суҳбатдошини қизиқтирадиган саволлардан бошлайди. Хусусан, окопдаги рус солдатларининг кайфияти, немис жангчиларининг руҳий ҳолати, ҳамма ҳам ўз уйини, оиласини, ерини қўмсагани, ноҳақ қон тўкилаётгани ҳақида гап юритилганда, Ленин ҳар бир сўзнинг таг маъносигача очиб, уларни Шадриннинг тушунчасига етказиш учун дона-дона лаб гапиради. Ўз навбатида Владимир Ильич Шадриннинг жавобларига жиддий, фикрини бўлмасдан берилиб қулоқ солади. У қайси сўзга, қандай маъно бахш этаётганига, фикрининг йўналишига эътибор беради. Ҳатто овозининг оҳанги, кўз ва юзининг ифодасигача кузатади. Ш. Бурхонов Ленинни, Н. К. Крупская таъкидлаганидек: «Қандайдир насиҳатгўй эмас, суҳбатдошини ишонтиришга интилган инсон сифатида» тасвирлаган. Шунинг учун ҳам Шадрин назарида, Ленин дилкаш инсон, меҳнаткаш одамнинг дўсти ва маслакдоши тарзида гавдаланади.

Пьесадаги мазкур кўринишда маълум даражада ҳазил-мутойиба мавжуд. Бироқ спектаклда бу саҳна бошдан-оёқ чуқур драматизм билан суғорилган. Чунки тарихан қараганда, Ленин билан Шадрин ўртасидаги суҳбатнинг замирида ўша даврнинг драмаси, яъни уруш ва тинчлик муаммоси ётибди. Шунга кўра саҳнанинг динамикаси ҳам аста-секин кучаяди. Суҳбат қизиган сари ҳар иккала образнинг маънавий ва ҳиссий олами очилиб боради. Масалан, Ленин аввалига Шадриндан фронтдаги аҳволдан гап бошлаганда, солдат «билганларимни айтсам, айта қолай» дегандек Владимир Ильичнинг саволларига бир-икки сўз билан тўмтоқроқ жавоб қилади. Унинг гапида жон бўлса-да, аммо қандайдир астойдиллик етишмасди. Шунга қарамай Ленин унинг жавобларига жиддий эътибор қилади, кетма-кет саволлар беради. Лениннинг самимий қизиқувчанлигини сезган Шадрин ўзини доҳийга яқин тута бошлайди, унда ҳам қизиқиш ва ишонч пайдо бўлади. Владимир Ильичнинг жозибаси, инсоний юксаклиги оҳанграбодек уни тортади.

Шукур Бурхонов Лениннинг фақат инсонпарварлигини эмас, сиёсий арбоб, революцион доҳий сифатида унинг донишмандлиги ва улуғворлигини ҳам кўрсатишга интилган. Суҳбат жараёнида Ленин Шадрин эътиборини сиёсий масалаларга секин йўналтиради. Мақсад — Шадрин сингариларнинг уларга ер, озодлик берган ёш Совет ҳокимиятига, социалистик революцияга садоқатини билиш. Ленин Шадринга юзмаюз келиб, унинг кўксига қўлини қўяди, унга меҳр тўла кўзларини тикади, шошмасдан ётиғи билан содир бўлган вазиятнинг нақадар танглиги ва кескинлигини воқеликнинг ўзидан келиб чиқиб, қулоққа қўрғошин қуйгандек ғоят аниқ ва бурро қилиб тушунтирадики, бу ҳатто фаросати кам одамга ҳам равшан етиб боради. Владимир Ильич гапининг охирида: «Совет ҳокимияти ўзгаларнинг ерини босиб олмоқчи эмас, бироқ чоризм генераллари Россияда помешчик ва капиталистларни ўрнатадиган бўлса, бунга нима дейсиз? Сизнингча, нима қилмоқ керак?»— деб унга масалани кўндаланг қўяди. Шадрин саволга жавоб беришга шошилмайди. У ерга тикилиб хаёлга чўмади. Ленин ҳам қистамайди, диққатини ундан узмайди. Шу дамда Шадрин ўзича ўтмиш билан янги даврни тарозига қўйиб кўраётгандек туюлади, кишига. Савол тушганда чеҳраси ҳомушланади, кўзлари «яна қон тўкиладими?» деган аломатни ифодалайди. Фикрлаб бўлгач, руҳи ўзгаради, унда кўтаринкилик ҳиссиёти пайдо бўлади. У милтиғининг камарини маҳкам ушлаб, ундан нигоҳини узмай турган Ленинга: «Бордию шундай бўлса жанг қиламиз», деб қатъий жавоб беради...

Ленин қўл бериб, у билан ғоят самимий ва илиқ хайрлашади, унга ошхонага йўл кўрсатади, ўзи тез юриб саҳнадан чиқиб кетади. Шадрин унинг изига тикилиб қолади, шундай одам билан суҳбат қурганидан ўзини мамнун сезади ва ўзича: «Кўп яхши одамлар бор-да!» деб қўяди. Шу пайт кўриниш бошида учратган денгизчига яна дуч келади. Ҳозир суҳбатлашган одам В. И. Ленин эканини билгач, ўзини йўқотиб, ҳаяжонланганидан эсанкираб қолади...

Шу тариқа ҳажми унчалик катта бўлмаган кўринишларда Шукур Бурхонов В. И. Ленин образини мукаммал яратиб, улуғ доҳий ўз тақдирини халқ тақдири билан чамбарчас боғлаганини моҳирона кўрсатди. Шунинг учун ҳам у яратган Ленин образи томошабин хотирасида ҳамон сақланиб келмоқда.

Фикримизча, ҳозирги вақтда хусусан, мамлакатимизда қайта қуришдек инқилобий жараён авж олган бир пайтда В. И. Ленин образи саҳнамиздан кенг ўрин олиши зарур.

Фрунзе ЖЎРАЕВ,
санъатшунослик кандидати.

АНСАМБЛЛАР БЕЛЛАШУВИ

● ЧИНОЗ районидаги Карл Маркс номли колхоз клубида ўтказилган «Санъат байрами» кўрик-конкурси Ленин комсомолининг шонли 70 йиллигига бағишланди. Мазкур тадбирда райондаги фольклор ва оилавий ансамбллар иштирок этишди.

Оилавий ансамбллар орасида Шамсиевлар оиласи биринчи ўринни олишга муваффақ бўлдилар. Полвонов ва Эргашевлар оилавий ансамбларни эса иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллашди. Шунингдек Янги Чиноз маданият уйининг П. Халилов раҳбарлик қилаётган фольклор группаси чиқишлари ҳам барчага манзур бўлди. Пенсионерлар ва қаҳрамон оналардан иборат ушбу ансамблнинг ташкил топганига ҳали бир йил ҳам бўлгани йўқ. Лекин шунга қарамасдан ансамбль қатнашчилари ўз репертуарларини кўплаб халқ қўшиқлари ва лапарлари билан бойитишга муваффақ бўлдилар. Н. Алдаёрова, Н. Қорабоева, Б. Турғунбоева ҳамда К. Расуловалар ижро этган қўшиқлар жюри ҳайъати томонидан юксак баҳоланди.

Н. ДОВУРБОЕВА.

●

ФОЙДАЛИ ҚЎЛЛАНМА

● «УҚИТУВЧИ» нашриётида ўзбек тилида чоп этилган ушбу китоб «Турмушда тежамкорлик сирлари» деб номланган. (Авторлари Е. М. Каневский ва бошқалар). Ҳақиқатан ҳам китобда турмушимиздаги тежамкорлик «сир»ларини жуда қизиқарли, айни пайтда фойдали маслаҳатлар тарзида баён қилинади.

Мамлакат миқёсидаги тежамкорлик сўзсиз, ҳар бир кишидан, ҳар бир оиладан бошланади. Лекин шуниси қизиқки, ҳеч ким ўзини исрофгар деб билмайди. Лекин аслида-чи?.. Исрофгарлар йўқми? Исрофгар бўлмаслик, оилада ҳам режали иш тутиш учун нималар қилиш керак? Китобда ана шу саволларга жавоб бериш билаб бирга, уй бекалари учун ҳам турли-туман фойдали маслаҳатлар берилган.

Жумладан, «Биз хонадон соҳибимиз», «Ҳисоблаб кўринг», «Бизнинг гардероб», «Бунга болаликдан ўргатилади» каби сарлавҳалар остида уй ремонти, қишга маҳсулотлар ғамлаш, рўзғорда «ортиқча» бўлиб қолган буюмлардан фойдаланиш, умуман режали ҳаёт юритиш ва бу соҳада билимдон бўлиш учун мутахассислар маслаҳати ёритилади.

Китоб рангли суратлар билан безатилган бўлиб, кўп минг нусхада нашр этилди.

А. ҲАСАНОВ,
«Ўқитувчи» нашриётининг тарих ва ижтимоий адабиёт редакцияси мудири.

●

РАССОМЛАР КЎРГАЗМАСИ

ЧИРЧИҚДАГИ А. Навоий номли кинотеатрда республикамизнинг етакчи рассомлари ижодига бағишланган кўргазма бўлиб ўтди. «Замондошимиз» деб номланган мазкур кўргазмада серқуёш ўлкамизнинг табиати, кишилар меҳнати ҳақида ҳикоя қилувчи асарлар намойиш этилди.

Айниқса, Р. Чориевнинг «Мўйсафид» портрети, Ю. Стрельниковнинг «Дўстлар», М. Маҳмудовнинг «Студент» асарлари томошабинларда катта қизиқиш уйғотди.

А. ҲАКИМОВ.



● ТОШКЕНТДАГИ В. И. Ленин номли Қизил майдонда пионер ва ўқувчилар доҳий ҳайкали пойига гуллар қўйишди, шунингдек Лиза Чайкина номли 42-мактабнинг юздан зиёд октябрятлари пионерлар сафига қабул қилишди.

Р. АЛБЕКОВ фотолари.

СПОРТ

ҚИТЪА ЧЕМПИОНЛАРИ

● ЭРКИН кураш бўйича Европа чемпионати Англиянинг Манчестер шаҳрида бўлиб ўтди. Ун вазнда қатнашган Совет полвонларининг ҳаммаси медалларга сазовор бўлди. Шуниси қувончлики 9 полвонимиз ҳурмат шохсупасининг биринчи поғонасига кўтарилиб, Европа чемпиони унвонини қўлга киритди. Улар орасида республикамиз вакиллари Арсен Фадзаев, ака-ука Аслан ва Махарбек Хадарцевлар ҳам бор. Фақат биргина спортчи оржоникидзелик В. Тогузов финалда ютқазиб қўйиб, иккинчи ўрин билан кумуш медалга сазовор бўлди.

ИККИ УЙИНДА ИККИ ОЧКО

● «ПАХТАКОР» сафарда—Пермь ва Тюмень шаҳарларида иккита уйин ўтказиб, тўрт имкониятдан икки очко олди. Маълумки, «Звезда» командаси билан бўлган уйинда тошкентликлар 2:1 ҳисобида ғалабага эришган эдилар. «Геолог» билан учрашувда эса 0:3 ҳисобида енгилишди. Биринчи бўлим натижасиз тугади, иккинчи бўлимнинг 9 минути оралиғида ҳимоячиларимиз кетма-кет хатоларга йўл қўйишиб, учта тўп ўтказиб юборишди. Ҳужумчиларимиз уринишлари эса натижа бермади.

«Пахтакор» чемпионатнинг навбатдаги ўйинларини ўз майдонида 25 апрелда пешқадам Марказий Армия спорт клуби ва 28 апрелда Кемеровонинг «Кузбасс» командаси билан ўтказади.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎЗБЕКИСТОН ССР МАДАНИЯТ МИНИСТРЛИГИ

М. Қорнёқубов номли ўзбек давлат концерт-филармонияси бирлашмаси

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

29, 30 апрель соат 19.30 да

ШОИР ЎТКИР РАШИД ШЕЪРЛАРИ БИЛАН АЙТИЛАДИГАН ҚЎШИҚЛАР АСОСИДА ТУЗИЛГАН

КОНЦЕРТ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССР халқ артистлари: Камолиддин РАҲИМОВ, Ҳабиба Охунова, Ғуломжон ЁҚУБОВ ва Муҳаббат ШАМАЕВА;

Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган артистлар: Ортиқ ОТАЖОНОВ, Таваккал ҚОДИРОВ ва Матлуба ДАДАБОЕВА

Лирик хонанда: Фахриддин УМАРОВ

Тошкент область Ленин комсомоли мукофоти лауреати Ҳожиакбар ҲАМИДОВ.

Программани — Ўткир СИДДИҚОВ олиб боради.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ТУРИЗМ ВА ЭКСКУРСИЯЛАР СОВЕТИ

1988 йил учун «ЧИМЁН», «ЯНГИОБОД» ТУРИСТИК КОМПЛЕКСЛАРИ ВА «ФАРҲОД» ТУРБАЗАСИГА

ТУРИСТИК ПУТЁВКАЛАР СОТАДИ

ОТДА 10 КУНЛИК САЙР («Чимён» туристик комплекси). Жўнатиладиган вақт: 30 май; 11, 23 июнь, 5, 17, 29 июль, 10, 22 август, 3, 15 сентябрь. Путёвка баҳоси — 100 сўм.

«ЧИМЁН» ТУРИСТИК КОМПЛЕКСИ (4 кун), поход (8 кун), «ЯНГИОБОД» ТУРИСТИК КОМПЛЕКСИ (4 кун). Жўналадиган вақт: 1, 17 июнь, 3, 19 июль, 4, 20 август, 5 сентябрь. Баҳоси — 130 сўм.

«ЯНГИОБОД» ТУРИСТИК КОМПЛЕКСИ (4 кун), поход (8 кун), «ЧИМЁН» ТУРИСТИК КОМПЛЕКСИ (4 кун). Жўналадиган вақт: 1, 17 июнь, 3, 19 июль 4, 20 август, 5 сентябрь. Баҳоси — 130 сўм.

«ЧИМЁН» ТУРИСТИК КОМПЛЕКСИ — 12 кунга, жумладан, поход — 8 кун. Жўналадиган вақт: 28 июнь, 22 август. Баҳоси — 112 сўм.

«ЧИМЁН» ТУРИСТИК КОМПЛЕКСИ — 10 кунга, поход — 5 кун. Жўналадиган вақт: 18 июнь, 12 август, 29 сентябрь. Баҳоси — 90 сўм.

«ЧИМЁН» ТУРИСТИК КОМПЛЕКСИ — 7 кунга, поход — 4 кун, жўналадиган вақт: 10 июнь, 4 август, Баҳоси — 63 сўм.

«ЧИМЁН» ТУРИСТИК КОМПЛЕКСИ — оилавий шу жумладан, поход — 3 кун, жўналадиган вақт: 27 май, 21 июль, 14 сентябрь. Баҳоси — 125 сўм.

«ЧИМЁН» ТУРИСТИК КОМПЛЕКСИ — 6 кунга. Поход — 3 кун, жўналадиган вақт: 21 май, 15 июль, 8 сентябрь. Баҳоси — 54 сўм.

«ЧИМЁН» ТУРИСТИК КОМПЛЕКСИ — 8 кунга. Шу жумладан, поход — 4 кун. Жўналадиган вақт: 10 июнь, 4 август. Баҳоси — 72 сўм.

«ЧИМЁН» ТУРИСТИК КОМПЛЕКСИ — 5 кунга, шу жумладан, поход — 3 кун. Жўналадиган вақт: 16 май, 10 июль, 3 сентябрь. Баҳоси — 45 сўм.

«ФАРҲОД» ТУРИСТИК БАЗАСИ (Бекобод шаҳри) — 5 кунга, шу жумладан Бекобод, Ленинобод шаҳарларига сафар. Бир киши учун путёвка баҳоси — 35 сўм, икки киши учун — 70 сўм, тўрт киши учун — 132 сўм.

«ФАРҲОД» ТУРИСТИК БАЗАСИ — 10 кунга, Бекобод, Ленинобод, Қўқон шаҳарларига сафар. Бир киши учун путёвка баҳоси — 70 сўм. Икки киши учун — 141 сўм. Тўрт киши учун — 267 сўм.

Медицина ходимлари ва аҳоли диққатига!

ЯНГИ БОҒЛАШ ВОСИТАСИ

Тананинг турли ерларини дори моддалари шимдирилган стерил, муҳофаза салфеткалари ва бинтли боғичларни зудлик билан қаттиқ боғлаб қўйишга мўлжалланган ЭЛАСТИК, ТРУБАСИМОН НОСТЕРИЛ МЕДИЦИНА БИНТЛАРИ қулай, тежамли ва пишиқдир. Тананинг қайси участкасини боғлашга қараб 7 хил размердаги бинт ишлатилади.

Бу бинтларнинг афзаллиги шундаки, улар ёрдамида тананинг кенг ва ўнғайсиз участкаларини ҳам осонлик билан боғлаб қўйиш мумкин. Бу эса ўз навбатида врач етиб келгунга қадар кўрсатиладиган илк медицина ёрдамини тезлаштириш имконини беради. Оддий дока бинтлардан фарқли ўлароқ ностерил эластик трубасимон медицина бинтлари қон айланишга халал етказмайди, оғриткайди ва бўғимлар ҳаракатини чекламайди.

Тежамкорлик нуқтаи назаридан ҳам эластик трубасимон бинтлар фойдалидир. Чунки бундай бинтларни сув ҳарорати 35-37 даража бўлган совун кўпигида жуда кўп маротаба ювиб-ювиб ишлатаверасиз.

УЙ АПТЕЧКАСИ УЧУН ЭЛАСТИК ТРУБАСИМОН НОСТЕРИЛ МЕДИЦИНА БИНТЛАРИНИ СОТИБ ОЛИНГ!

Ҳар бир аптекада, аптека пунктида ва фельдшерлик-акушерлик пунктида эластик трубасимон бинтлардан қандай фойдаланиш тўғрисида консультация олиш мумкин.

Яроқлилик муддати — 3 йил.

СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги ҳузуридаги Бутуниттифоқ ахборот бюроси

«Реклама» марказий агентлиги «Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон агентлиги.

ҲАРБИЙ-ВАТАНПАРВАРЛИК БЎЛИМИ ПОЧТАСИДАН

ҚОМУСДАГИ ҚАҲРАМОН

Раҳима хола Мажнун акани 1942 йилда урушга кузатган эди. Ҳамон кўзи унинг йўлида. Қора хатга ишонмайди. Интизорлик билан уни кутади. Мажнун акани кутиб қанча ойларни, йилларни ўтказиб юборди. Фарзандлари — беш ёшда қолган Эргаш, бир ёшда қолган Жўравойлар улғайиб оила қуришди, бола-чақали бўлишди. Аммо ҳамон Мажнун аканинг хайрлашган дамлари Раҳима холанинг кўз олдида.

Ўшанда Мажнун ака Калинин (ҳозирги Тошкент) район, Ҳасанбой қишлоғидаги «Қизил Юлдуз» (ҳозирги Ильич номли) колхозида биргадирлик қиларди. Бригада областда илғорлар сафидан тушмасди. Мажнун аканинг иш тажрибаларини кўп жойлардан келиб ўрганиб кетишарди. Ўзи бориб ҳам ўргатиб келарди. Ҳалол меҳнати унинг обрўсини ошираверди.

Мажнун ака урушга отланганида бутун қишлоқ кузатгани чиққанди. Раҳима хола ҳам улар орасида эди. Эрига бўлган ҳурмат-эътиборни кўриб, ич-ичидан қувонди. Мажнун аканинг яна ўз қишлоғига соғ-саломат қайтиб келишига қатъий ишонганди. Ана шу ишонч ҳамон унинг қалбида туғён уради.

— Мажнун акам ажойиб инсон эдилар, — деб фахрланиб гапиради ҳамқишлоғи, Берлинни забт этишда қаҳрамонлик кўрсатган Тожихўжа ака Юсвалихўжаев. — Ўша кезлари кўп ёшларга устозлик қилганлар. Улардан деҳқончилик сирини, ер илмини ўрганганмиз. Айниқса, одамларимизни, еримизни ҳурмат қилишни қаттиқ уқтирардилар. Уларни тилда эмас, дилингда сев, дердилар. Қора хат келганда мен қишлоқда эдим. Аммо у одамнинг ўлганига ҳеч қайсимизнинг ишончимиз келмасди. Бундай одамлар қаҳрамонона қайтиб келишига ишонардик. Аммо урушда нималар бўлмайди, дейсиз. Мен бошдан охиригача фронт чизиғида бўлиб, ҳаммасини бошимдан кечирганман.

Раҳима хола ҳамқишлоқларидан бундай гапларни кўп эшитган. Фарзандлари набираларига ҳам ҳикоя қилиб берган.

Раҳима хола тўнни авайлаб энди сандиққа жойлаган ҳам эдики, эшик тақиллаб қолди. Юраги орзиқиб кетди. Даҳлиздаги калишини апил-тапил кияр экан, овоз берди.

— Ким у? Ҳозир... — Эшик ёнида урушда бир қўлидан айрилиб келган қишлоқ почтальони Рустам ака отининг тизгинини тортиб турарди.

— Ҳа... Тинчликми?

— Опа, тинчлик,— деди почтальон халтасидан конверт олиб узатар экан. Кейин қўшиб қўйди. — Мажнун акамни китобга ёзишмоқчи экан...

— Вой, ростданми?

Раҳима хола конвертдаги хатни эшик кесакисига суянганча ўқиб чиқди. Калинин район ҳарбий комиссариатига Белоруссия Совет Энциклопедияси бош редакциясидан келган хатнинг нусхаси эди. Унда шундай дейиларди:

«Петрус Бровка номидаги Белоруссия Совет Энциклопедияси нашриёти Белоруссия шаҳар ва районлари халқ шуҳрати Ёдномасини нашрга тайёрламоқда. Ёдномада асосий диққат-эътибор совет халқининг Улуғ Ватан уруши йилларидаги мисли сиз жасоратларини акс эттиришга қаратилган. Ёдномадаги бошқа материаллар орасида Белоруссияни немис босқинчиларидан озод этишда ҳалок бўлган Совет Армияси жангчиларининг рўйхати ҳам берилади. Бизда Калинин район ҳарбий комиссариати томонидан чақирилиб, 1944 йил 3 февралда Шумилинский районидаги Сиротин қишлоғида қаҳрамонларча ҳалок бўлган оддий жангчи Мажнун Қўрғонбоев ҳақида маълумот бор. Бизга Қўрғонбоев оиласи билан боғланишимизга ёрдам беришингизни сўраймиз. Ёдномага киритиш учун суратини, ҳужжатларини, характеристика ва фронтдан ёзган хатларини юборсангиз. Сурати билан ҳужжатларини қайтариб юборишга кафолат берамиз».

Хат остига бош муҳаррир муовини имзо чеккан эди.

Бу қувончли хабар тезда қишлоққа тарқаб кетди. Барча ҳужжатлар тўпланиб, берилган адрес бўйича юборилди. Мана орадан кўп ўтмай Белоруссиядан Раҳима хола Зуҳурбекова номига қомусдан бир нусха етиб келди. Унга атоқли совет ёзувчиси Иван Шамякин муҳаррирлик қилган эди.

Китоб саҳифаларининг биридан Мажнун ака Қўрғонбоевнинг сурати ва у ҳақидаги маълумот ўрин олган эди. Раҳима хола эрининг суратига яна интиқлик билан тикилди. Ҳамон ўша боқишлар, ўша илиқлик сўнмаганди. Унинг жасорати, халқига эл-юртга бўлган чексиз муҳаббати суратига яқол кўчган эди. Ҳа, қаҳрамонларнинг умри мангуликка уланиб кетади, деб бежиз айтмайдилар. Китобни олган куни Раҳима хола умр бўйи кутган одами кириб келгандек бўлди.

М. ПАРПИХЎЖАЕВ.

ЧЕТ ЭЛ ХАБАРЛАРИ

ЛЕНИН КУНЛАРИ БОШЛАНДИ

КАМПАЛА. (ТАСС). Уганда республикасида Ленин кунлари бошланди. В. И. Ленин — генинал файласуф ва революцион амалиётчи бўлиб, у К. Маркс ва Ф. Энгельснинг назарий меросини рўёбга чиқарди, деди Уганда ички ишлар давлат министри Кахинда Атафирре. У В. И. Ленин туғилган кунининг 118 йиллиги муносабати билан пойтахт жамоатчилигининг бу ерда бўлиб ўтган тантанали йиғилишида сўзга чиқди. Ленин таълимоти, дедн у, мустамлака мамлакатларнинг халқларини империализм ва золимларга қарши музаффар курашга отлантирди.

Йиғилишда мамлакат ҳукумати аъзолари, Уганда — Совет дўстлиги жамиятининг активлари, жамоатчилик ва меҳнаткашлар вакиллари, социалистик мамлакатларнинг Кампаладаги дипломатия ваколатхоналари бошлиқлари ҳозир бўлдилар.

Уганда пойтахтида «Ленин қандай инсон эди» деган фотокўргазма очилди. Ленин кунлари муносабати билан пойтахтдаги Макерере университетида, шунингдек Кампаладаги энг катта залларда «Бу ерда Ленин яшаган», «6 июль» фильмлари ҳамда бошқа совет бадиий ва ҳужжатли лентлар бир ҳафта мобайнида намойиш қилинади. Республиканинг турли шаҳарларида Ленин мавзуига бағишланган илмий-назарий конференциялар, мунозара ва семинарлар бўлиб ўтади.

ҚУВАЙТ САМОЛЁТИ ҚУТҚАРИЛДИ

ЖАЗОИР, 20 апрель (ТАСС) 16 кун муқаддам ичидаги пассажирлари билан Қувайт самолётини босиб олган террорчилар бугун эрталаб маҳаллий вақт билан соат 4 да «босиб олиш ҳаракатини тугаллаймиз» деб эълон қилдилар. Террорчилардан бири радио орқали араб тилида баёнот берди. «Биз самолётни эгаларига қайтариб берамиз», — деди у.

Эрталаб соат 6 да «Боинг—747» пиллапоясидан самолётда гаровга ушлаб турилган дастлабки пассажирлар туша бошладилар. Йигирма минутдан кейин Жазоир пойтахти халқаро аэропортининг биносида барча пассажирлар тўпланишди, улар орасида Қувайт амирининг оила аъзолари ҳам бор эди. Аэропортда бўлган журналистларнинг ҳисобига кўра, самолётда террорчилар билан Қувайт самолёти экипажининг аъзолари қолганлар.

Журналистларнинг бундан буён террорчиларнинг тақдири нима бўлади, деган саволига Жазоир министри «Бу масала Жазоирга тааллуқли», деб айтди.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● НЬЮ-ЙОРК. БМТ Бош секретари Хавьер Перес де Куэльяр — «Форс кўрфазидаги сўнгги воқеалар ҳамда бу воқеалар кескинликни авж олдириб, янада хавфли вазият вужудга келтириши мумкинлигидан жиддий хавотирлик» билдирди. Бугун унинг расмий вакили ана шу гапни айтди.

Ҳозирги вақтда Хавфсизлик Кенгаши БМТ Бош секретарининг Эрон ва Ироқ билан 598-резолюцияни тўла амалга оширишни кўзловчи маслаҳатлар сўнгги даврасини ўтказиш тўғрисида БМТ Бош секретари қилган докладни ўрганиб чиқмоқда, деди у.

● БУЭНОС-АЙРЕС. Буэнос-Айрес ва унинг атрофларида бир қанча қўпорувчилик ҳаракатлари қилишга тайёрланаётган ўнга яқин террорчи бугун тонготарда қамоққа олинди. Миллий ахборот агентлиги Телам шуни маълум қилди. Террорчилардан кўпдан-кўп портловчи модда, жанговар қурол, сохта ҳужжатлар ва варақалар мусодара этилган. Радиостанцияларнинг хабарларига кўра, ушланган кишиларнинг ҳаммаси «Алерта Насьонналь» ўнг террорчи гуруҳининг аъзоларидир.

● МАДРИД. Шу ойда Испаниядаги ўрта мактабларнинг муаллимлари «учинчи марта» иш ташладилар. Улар иш ҳақи оширилсин, деб талаб қилмоқдалар, маориф ва фан министрлиги бу талабни қондиришдан бош тортаётганлигига қарши норозилик билдирмоқдалар. Уларнинг фикрича, берилаётган маош бугунги нарх-навога тўғри келмайди.

(ТАСС, 20 апрель).

ЯРАШ СИЁСАТИНИНГ МУВАФФАҚИЯТЛАРИ

ҚОБУЛ, (ТАСС), Афғонистонда тинч ҳаёт сари йўл яхши давом этмоқда. Балх вилоятида кейинги йил мобайнида 4 минг киши туғилиб ўсган қишлоқларига қайтиб келди. Авф этиш тўғрисидаги фармонга мувофиқ бир ярим мингдан кўп маҳбус озод этилди. Жами 795 кишидан иборат 16 та қуролланган группа билан отишмаларни тўхтатиш тўғрисида протоколлар имзоланди. Бунда миллий яраш комиссиялари катта хизмат қилди. Вилоятда 135 та шундай комиссия тузилган, деб хабар қилади БАХТАР агентлиги.

ГИТЛЕРЧИ ЖАЛЛОД АЙБДОР ДЕБ ТОПИЛДИ

ЛОНДОН, (ТАСС). Рейтер агентлиги мухбирининг Қудусдан хабар қилишича, Исроил суди Жон (Иван) Демьянюкни иккинчи жаҳон уруши йилларида қилган жиноятлари учун айбдор, деб топди. Айни Демьянюк фашистларнинг Треблинка қамоқ лагерида газ камералари собиқ оператори бўлиб, маҳбусларни кўплаб қиришда бевосита қатнашганлигининг рад этиб бўлмайдиган далиллари судда келтирилди.



ЧССР. Пльзень шаҳридаги В. И. Ленин номли «Шкода» комбинати 20 дан зиёд социал-иқтисодий интеграция программаларини амалга оширишда актив иштирок этмоқда. Бу ерда турбогенераторлар ва трансформаторлар, шунингдек электростанцияларнинг бошқа қисмларини ишлаб чиқариш яхши йўлга қўйилган. Айни вақтда уларнинг анчагина қисми чет давлатларга ва айниқса, социалистик мамлакатларга чиқарилмоқда. Суратда: корхонанинг ишлаб чиқариш цехида.

ЧТК—ТАСС фотоси.

Редактор Н. НАСИМОВ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»)

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750; БЎЛИМЛАР: хатлар ва оммавий ишлар — 334048, 325354; идеология — 325778; саноат капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; совет қурилиши — 325733; адабиёт ва санъат — 325553; маданият — 325767; социал масалалар — 325556; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325645; эълонлар бўлими — 325727.

Р — 11681 А. 1587. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12